

УШБУ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ: _____

ТЕЛЕФОН: _____



**STRATEGIC
IMPACT**
INTERNATIONAL

*Қутқарилмаганлар Нажот Топиши
Учун Бағишланган Ҳаёт©*

Саёҳат 1 БОСҚИЧ

B2.2.1 (2021)

Дам Олиш Бекатлари, Қўлланма, Хизмат Воситалари



СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ

P.O. BOX 1901, DENTON, TX 76202

WWW.STRATEGICIMPACTINTERNATIONAL.COM

© Муаллифлик ҳуқуқи, Strategic Impact. Ушбу қўлланмани ўзгартиришга рухсат берилмайди, лекин материал мазмунини ўзгартирмай нусхалашингиз ва тарқатишингиз мумкин.

ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ ©

САЁҲАТ – 1 БОСҚИЧ

Мундарижа

Стк: ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН ҲАЁТ ХАРИТАСИ	3
Қутқарилмаганлар Нажот Топиши Учун 10 Қадам	4
Стк: Хизмат Харитаси	5
Руҳий Ўсиш Учун Саволлар	6

1 БОСҚИЧ – Бекатлар, Қўлланма ва Хизмат воситалари

ЖАМОАНИНГ шакиллантириш жараёни	7
БЕКАТ 1 – Илк севгингиз	8
БЕКАТ 2 – Сизнинг Масихга ўхшашлигингиз	10
БЕКАТ 3 – Сизнинг асосий устунлигингиз	12
БЕКАТ 4 – Оддий Хушхабарни Тушунарли Қилиш	14
Бекатлар учун Восита – Стратегик Таъсир Кўрсатиш Бўйича Хушхабар Айтиш Воситаси	16-19
БЕКАТ 5 – Шахсий гувоҳлик	20
БЕКАТ 6 – Севгининг устунлиги	22
БЕКАТ 7 – Хушхабарчининг ҳаёт тарзи	24
БЕКАТ 8 – Муқаддас Китоб асослари	26
БЕКАТ 9 – Гуноҳни тан олиш ва бошқалар билан мулоқот қилиш	28
БЕКАТ 10 – Етук ва кўпаядиган шогирдлар тарбиялаш	30
БЕКАТ 11 – Муқаддас Рухга Тўғри Муносабатда Бўлиш	32
БЕКАТ 12 – Бошқаларга Таълим Беришнинг Асосий Принциплари	34
Бекатлар учун Восита – Стратегик Таъсир Кўрсатиш Бўйича Шогирдлик Воситаси	36-37
БЕКАТ 13 – Исонинг Хукмронлиги	38
БЕКАТ 14 – Худо билан сокин вақт ўтказиш	40
БЕКАТ 15 – Муқаддас Китобни Қандай Ўрганиш Керак	42
Бекатлар учун Восита – Муқаддас Китобни Шахсан Ўрганиш	44-46

Фойдаланишингиз учун – Хушхабар айтиш ва шогирд орттириш контекстида ушбу воситалардан фойдаланишга уялманг

Стратегик Таъсир Кўрсатиш Бўйича Хушхабар Айтиш Воситаси	47-48
Стратегик Таъсир Кўрсатиш Бўйича Шогирдлик Воситаси	49-50

1 БОСҚИЧ – Қисқа мундарижа	51
----------------------------	----

СТК: ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН ҲАЁТ ХАРИТАСИ

БОСҚИЧ	Ким	Вазифа	Таълим/Воситалар	Давом этиш муддати
1 ЕТУК ва КЎПАЯДИГАН ШОРГИДЛАРНИ тарбиялаш учун бағишланган ҲАЁТ	БАРЧА масихийлар	Сиз доим тўртинчи авлодгача кўпаяувчи шогирдларни тарбиялаяпсиз.	<u>Ўқув фаолияти</u> - ШОГИРДЛАР КЎПАЙТИРИШ (ШК) ёки - ЕТАКЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ (ЕВ) ёки - САЁҲАТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ <u>Хизмат Воситалари</u> - САЁҲАТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ - ХИЗМАТ ХАРИТАСИ, - ҚЎЛЛАНМА, - СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ХУШҲАБАР АЙТИШ ВА ШОГИРД ОРТИРИШ БЎЙИЧА ВОСИТАЛАРИ	- 1 кунлик ШК дастури ёки - 3 кунлик ЕВ дастури - 4 ойдан 6 ойгача САЁҲАТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИНИ ўрганиш - Кўпаядиган шогирдларни тарбиялашга бағишланган Ҳаёт
2 Кўпаяувчи ЖАМОАТЛАРНИ ташкил қилиш ва ўстиришга бағишланган ҲАЁТ	Кўп масихийлар	Сиз доимий равишда тўртинчи авлодгача кўпаядиган жамоатларни ташкил қилиб, ўстиряпсиз.	- Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича таълим тадбирлар - САЁҲАТНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ - Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича хизмат қилиш воситалари	- 1 ёки 3 кунлик таълим тадбирлар - 4 ойдан 6 ойгача САЁҲАТНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ учун таълим
3 ЕТАКЧИЛАРНИ тарбиялаш учун КЎПАЯДИГАН жамоатларни ўргатиш учун бағишланган ҲАЁТ	Жамоатларни ташкил этиш бўйича баъзи мураббийлар	Сиз доимий равишда тўртинчи авлодгача кўпаядиган жамоатларни ташкил этияпсиз ва ўстиряпсиз.	- Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича таълим тадбирлар - САЁҲАТНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ - Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича хизмат қилиш воситалари	- 1 ёки 3 кунлик таълим тадбирлар - 4 ойдан 6 ойгача САЁҲАТНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ бўйича таълим
4 Келажакда кўпайиш мақсадида КЎПАЯУВЧИ ЖАМОАДА хизмат қилиш учун бағишланган ҲАЁТ	Маҳаллий СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ ЖАМОАСИДАГИ Бир нечта етакчилар	Келажакда кўпайиш мақсадида доим жамоада(янги ҳудудда, кишлоқда, шаҳарда) хизмат қилияпсиз.	- Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича ўқув тадбирлари - САЁҲАТНИНГ Тўртинчи БОСҚИЧИ - Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича хизмат қилиш воситалари - «ОЛОВНИ ЁҚИНГ» номли йиллик ЕТАКЧИЛИК ФОРУМИ	- 1 ёки 3 кунлик таълим тадбирлар - 4 ойдан 6 ойгача САЁҲАТНИНГ Тўртинчи БОСҚИЧ таълими
5 Кўпайиш ҲАРАКАТЛАРИНИНГ асоси ва раҳбарлиги учун бағишланган ҲАЁТ	СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҳаракати бўйича бир нечта танланган минтакавий асосчилар	Сиз янги мамлакатлар ва минтақаларда жамоатлар кўпайтириш учун доим ҳаракатлар яратяпсиз.	- Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича ўқув тадбирлари - САЁҲАТНИНГ Тўртинчи БОСҚИЧИ - Стратегик таъсир кўрсатиш бўйича хизмат қилиш воситалари - «ОЛОВНИ ЁҚИНГ» номли йиллик ЕТАКЧИЛИК ФОРУМИ	- 1 ёки 3 кунлик таълим тадбирлари - 4 ойдан 6 ойгача САЁҲАТНИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧ таълими

БУЮК ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИШ УЧУН ҚИЛИШИНГИЗ КЕРАК БЎЛГАН НАРСА - Тўртинчи авлодгача ҳар бир босқичда доимий равишда кўпайишдир.


1 ҚАДАМ:

Тафаккурингизни Ўзгартиринг

ФИКРИНГИЗНИ «Жамоатимни қуриш» мақсадидан «Нажот топмаган ҳудуд → мамлакат → дунёга бориш» мақсадига ЎЗГАРТИРИНГ
(Матто 28:18-20; Ҳаворийлар. 1:8; 20:24).


2 ҚАДАМ:

Ибодат Қилинг

Ҳосилни йиғиб оладиган ишчилар учун ИБОДАТ ҚИЛИНГ
(Луқо 10:2; Ҳаворийлар 13:1-3)!


3 ҚАДАМ:

Мақсадингизни Шакллантиринг

Ҳудудингизни хушхабар билан тўлдириш учун Худонинг Ўз халқига бўлган мақсадини етказинг (Ҳаворийлар 1:8; 13:1-3).


4 ҚАДАМ:

Жамоани Йиғинг Ва Тайёрланг

Ҳар йили янги жамоатлар очиш билан шуғулланадиган камида икки кишидан иборат жамоани топинг, танланг, ЙИҒИНГ ВА ТАЙЁРЛАНГ
(Ҳаворийлар 14:21- 28; 19:9-10; Колосаликлар 1:7; 2 Тимўтий 2:2).


5 ҚАДАМ:

Жой Танланг

Худо сизни хушхабар билан бўлишишга ундаган ЖОЙНИ ёки одамлар гуруҳини ИБОДАТ БИЛАН ТАНЛАНГ (Ҳаворийлар 16:6-40).

А. Муқаддас Руҳ янги жамоат очиш учун сизни қаерга йўналтираётганини АНИҚЛАНГ.

Б. Янги жамоат жойлашган ҳудуддаги эҳтиёжларни, рухий қалъаларни ва ҳаётни ЎРГАНИНГ.


6 ҚАДАМ:

Хушхабар Айтинг

Мана шу ҳудуддаги одамларга ХУШХАБАР АЙТИНГ
(Ҳаворийлар 5:42; 14:21, 25; 20:20).


7 ҚАДАМ:

Энди Имонга Келганларга Таълим Беринг

Энди имонга келганларга улар турган жойда ТАЪЛИМ БЕРИНГ.
(Ҳаворийлар 14:22; 20:20).


8 ҚАДАМ:

Энди Имонга Келганларни Янги Жамоатга Бирлаштиринг

Янги имонлиларни жамоат хизматининг тўртта асосий УСТУНЛАР йўналиши бўйича БИРЛАШТИРИНГ

А. Сажда қилиш (Ҳаворийлар 2:42-43; 1 Коринфликлар 14:26-35; 16:1-2; Колосаликлар 3:16);

Б. Руҳий ўсиш (Ҳаворийлар 2:42; Колосаликлар 4:16; 2 Тимўтий 4:2);

В. Муносабат (Ҳаворийлар 2:44-46; 8:35-38; Эфесликлар 4:11-16);

Г. Хушхабар (Ҳаворийлар 2:47; 5:42; 8:4; 19:10; Филиппиликлар 2:15-16).


9 ҚАДАМ:

Шогирдларни Кўпайтиринг

Биринчи 8 қадамни такрорлаш орқали янги жамоатдаги шогирдларни КЎПАЙТИРИНГ (1 Салоникаликлар 1:7-8).



10 ҚАДАМ:

Ҳаракат Яратиш Учун Кучларни Бирлаштиринг

Буюк топшириқни бажариш ниятида шогирдларни кўпайтириш ҳаракатини яратиш учун бошқа етакчилар билан КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИНГ

www.StrategicImpactInternational.com

Хизмат Харитаси



СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ **РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАР**

Ушбу саволлар Масиҳга бўлган ўз садоқатингизни, шахсий муносабатингизни, ҳудудий ҳулқ-атворингизни ва садоқатингизни оширишга ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Сиз Худо олдида ва бир-бирингиз олдида гуноҳларингизни тан олиш орқали ўзаро шогирдлик руҳида бирга ўсасиз (1 Юҳанно 1:9; Ёқуб 5:16; Эфесликлар 4:25; Галатияликлар 6:1).

Ушбу саволларни, самимий севги ва раҳмдиллик билан, шунингдек тўлиқ махфийликда сўраб, худди шундай жавоб бериш керак. Бу ҳукмлаш вақти **ЭМАС** (Римликлар 8:1), балки яқинларингизга Худонинг севгиси билан далда бериб, уларни солиҳликка ва эзгу ишлар қилишга ундашдир.

«РУҲНИНГ САМАРАСИ ЭСА ҚУЙИДАГИЛАРДИР: МУҲАББАТ, СЕВИНЧ, ХОТИРЖАМЛИК, САБР–ТОҚАТ, МЕҲРИБОНЛИК, ЭЗГУЛИК, ИШОНЧ, МУЛОЙИМЛИК ВА ЎЗИНИ ТУТА БИЛИШ. БУ ХИСЛАТЛАРГА ҚАРШИ БИРОН ҚОНУН ЙЎҚ.»

(ГАЛАТИЯЛИКЛАР 5:22-23)*

Бу ҳафтада...

1. Сиз **Муқаддас Рухга бўйсундингизми** ва **Исога** бўлган **қайноқ севгингизни** сақлаб қолдингизми?
2. Сиз **оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманлари** билан бўлган муносабатларингизда **севги, тинчлик, сабр–тоқат, меҳр–шафқат** ва **кечирим кўрсата олдингизми?**
3. Сиз **Масиҳга** бўлган **севги** ва **садоқатда ўса олдингизми?** Қандай қилиб?
4. Сиз ўзингизни **назорат** қилиб, **молиявий ишларингизда Масиҳни ҳурмат қилдингизми?**
5. **Жинсий фикрингизни** ва **ҳаракатларингизни**, шунингдек, **қулликнинг ҳар қандай кўринишлари** устидан ўзингизни **назорат** қилдингизми?
6. Бу ой **ХИЗМАТ ХАРИТАСИГА** кимларни қўшдингиз?

Мажбуриятлар ва ЖАМОАНГИЗ ҳақида бир оғиз сўз...

ЖАМОАНГИЗ ўсиб, биргаликда хизмат қилганингизда, ҳафталик мажбуриятларини бажара олмайдиган ёки истамайдиган жамоа аъзоси бўлиши мумкин («Мен бажараман» баёноtlари, хушхабар, шогирдлик ва Муқаддас Китобни ўқиш). Бунга унинг ҳаётидаги бошқа масъулиятлар ёки **САЁҲАТГА** садоқатсизлиги сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, қандай давом этиш бўйича яқин қарорни **ЖАМОАНГИЗГА** қолдирамиз. Бизнинг тавсиямиз–кийналаётган иштирокчига ҳафталик мажбуриятларини бажариш учун 2-3 ҳафта вақт бериш; агар у мажбуриятларини бажармаса, уни **ЖАМОАНГИЗДАН** чиқариб юборинг ва усиз давом этинг. Келажакда улар ўзларини **САЁҲАТГА** тўлиқ бағишлашлари мумкин бўлган бошқа **ЖАМОАГА** қўшилишлари мумкин. Буюк топшириқни бажарганлар энг ақлли, энг бой ёки энг илҳомланган одамлар бўлмайди. Буюк топшириқни бажарадиган одамлар Масиҳга энг содиқ, бағишланган ва итоаткор одамлар бўлади.

***ЭСЛАТМА:** Ушбу ҳужжатдаги барча Муқаддас Китоб ҳаволалари 2016 йилда чоп этилган таржимадан олинган.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ ЖАМОАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ

ЖАМОАГА хуш келибсиз. Сизнинг Масихдаги 3-5 та биродар/ёки опа-сингилларингиздан иборат жамоангиз Исо Масихдаги абадий ҳаётнинг ягона умидини нажот топмаган дунёга етказиш учун биргаликда узоқ сафарга чиқди. Худди узоқ пиёда саёҳатда бўлгани каби, сизнинг жамоангиз ҳам мунтазам равишда **БЕКАТЛАРДА ТЎҲТАШИ** керак. **БЕКАТДА** ҳафталик **ЖАМОА** йиғилиши сифатида ўтказилиши ва тахминан ярим соат давом этиши керак. Биз бундай учрашувларни бир вақтда ва бир жойда ўтказиш изчиллик ва садоқатни тарғиб қилишини кўрдик. Ҳар бир **БЕКАТДА**, **4 та ҚАРАШ** ва **10 та САВОЛЛАРНИ** ўз ичига олади, булар манзилингизга биргаликда муваффақият билан етиб боришга ёрдам беради. **БЕКАТДА** – жамоавий кашфиётлари вақти: ҳеч ким «ўргатмайди», лекин Муқаддас Китоб парчасини ўқиш орқали жамоанинг барча аъзолари бир-бирларидан ўрганишади, сўнгра муҳокама қилишади ва саволларга жавоб беришади.

1. **ОРҚАГА ҚАРАШ** – Ҳар қандай саёҳатда бўлгани каби, охириги **БЕКАТДАН** кейин қандай ривожланганингизни кўриб чиқиш фойдали бўлади. Орқага қараш куйидаги мавзуларга қаратилган дастлабки учта муҳокама саволини ўз ичига олади:
 - Сизнинг руҳий ўсишингиз ва Масихдаги феъл-атворингизнинг ўсиши (**1-САВОЛ**).
 - Олдинги **БЕКАТДА** олинган мажбуриятларга риоя қилиш (**2-САВОЛ**).
 - Ўтган ҳафтада сиз гувоҳлик айтган ва маслаҳат берган одамлар (**3-САВОЛ**).

ЭСЛАТМА: ОРҚАГА ҚАРАШ саволлари жуда муҳим. Сизнинг **САЁҲАТИНГИЗ** Исо ҳақидаги билимларни ошириш ва Унга итоат қилишдан иборат. Агар жамоа аъзолари ҳар ҳафта ўз мажбуриятларини бажармаса, жамоа давом этмаслиги керак, лекин кейинги **БЕКАТДА** худди шу материални такрорлаши керак.

2. **ЮҚОРИГА ҚАРАШ** – Жамоангиз **САЁҲАТ** давомида ўсишни ўрганиш учун Муқаддас Китобдаги Худога мурожаат қилади. Ҳар ҳафта сиз Муқаддас Китобнинг маълум бир парчаси асосида **4** ва **5** **чи САВОЛНИ** муҳокама қиласиз: *Ушбу парчада сизга нима ёқади, нима далда берди? Нима ноаниқ ёки ноқулайлик тугдирди?*
3. **ИЧКАРИГА ҚАРАШ** – Ичкарига қараш Муқаддас Китоб парчасининг ўзига хос ҳақиқати билан боғлиқ **6** ва **7** **чи САВОЛЛАРНИ** ўз ичига олади. Бу саволлар Муқаддас китобда муҳокама қилинган ҳақиқатни қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида ўйлашга ёрдам беради. **ИЧКАРИГА ҚАРАШ** саволларига жавоб бергандан сўнг, жамоангиз **ҚЎЛЛАНМАНИ** ўқийди. Ушбу **ҚЎЛЛАНМА** Муқаддас Китоб парчасининг **АСОСИЙ ҲАҚИҚАТИНИ** аниқлашга ёрдам беради.
4. **ОЛДИНГА ҚАРАШ** – **8** **чи САВОЛГА** жавоб бериш учун бу ҳафта Муқаддас Китоб ҳақиқатига амал қилиш учун нима қилишингиз кераклигини ёзишингиз керак. **9** **САВОЛГА** жавоб бераётганда Исо ҳақида гапиришни режалаштирган ёки келаси ҳафтада кўрсатма беришни режалаштирган одамларни санаб ўтасиз; шунингдек, сиз ва **ЖАМОАНГИЗ** кейинги **БЕКАТГАЧА** хушхабар ва шогирдлик соҳаларида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкинлигини муҳокама қиласиз. **10-САВОЛДА** келаси ҳафтада ҳар куни Муқаддас Китобнинг қанча қисмини ўқишингиз сўралади. Кунига камида 3 та боб ўқишни тавсия қиламиз, лекин унинг давомийлиги сизга боғлиқ. **8, 9** ва **10** **чи САВОЛЛАРДА** олган мажбуриятларингизни бажаришингиз кейинги **БЕКАТ** пайтида тасдиқланади.
5. **ИБОДАТ** – Ниҳоят, **БЕКАТ** охирида, бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** бир-бирингизни қўллаб-қувватлашда давом этинг.

Ҳар бир **БЕКАТ** бир хил режа бўйича ўтади – **4 та ҚАРАШ** ва **10 та САВОЛ**. Биргаликда ўсиб улғайганингизда ва **САЁҲАТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИДА** Раббий Муқаддас Китобда ўргатганларига бўйсунсангиз, нажот топмаган дунёга етиш учун **САЁҲАТ** контекстида доимий равишда шогирдларни кўпайтиришда жиҳозланасиз ва иштирок этасиз.

Сизнинг биринчи **БЕКАТИНГИЗ** кейинги саҳифада бошланади. Ўз **САЁҲАТИНГИЗНИ** бошлар экансиз, Худо сизни марҳаматласин.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 1 БЕКАТ – ИЛК СЕВГИНГИЗ

3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ

4 ҚАРАШ – 10 САВОЛЛАР

15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6-бетдаги *РУХИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз Муқаддас Рухга бўйсуниб, Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қола олдингизми?
2. (**ЭСЛАТМА:** *САЁҲАТ* жараёнида, кейинги сафардан бошлаб ҳар бир *БЕКАТДА*, «Сиз ушбу ҳафта Муқаддас Китобни ўқиш ва “МЕН БАЖАРАМАН” деган баёнотингиз бўйича ўз мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?» деган саволга жавоб беришингиз керак бўлади)
3. Нажот топмаганларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми ва бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[**ЭСЛАТМА:** Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги *БЕКАТГА* ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6-бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Ваҳий 2:1-7 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Ваҳий 2:1-7 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Сиз баъзан Исо билан бўлган яқин мулоқотни қайси хизматлар/диний фаолиятлар билан алмаштирасиз?
7. Қайси амалий йўللار Исо билан яқин муносабатда ўсишингизга ёрдам берди?

[Кейинги бетдаги **1 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Ваҳий 2:1-7 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни **сиз** қандай **кўрсатасиз**? Аниқ бўлинг

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича *ЖАМОА* сифатида қандай қилиб биргаликда ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 1 ҚЎЛЛАНМА – ИЛК СЕВГИНГИЗ

Исо Матто 22:37-40 да Худо Ўз халқидан айнан нимани кўпроқ хоҳлашини аниқ айтди: *«Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг». Бу биринчи ва энг буюк амр. Иккинчиси эса шунга ўхшашидир: «Ўзгани ўзингизни севгандай севинг. Бутун Таврот ва пайгамбарларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга таянади».*

Худо Уни бутун борлигингиз билан севишингизни ҳамма нарсадан кўпроқ хоҳлайди. Ажабланарлиси шундаки, абадий ва қудратли Яратувчи СИЗ билан севгига асосланган муносабатда бўлишни орзу қилади!

Худо Исроил халқига уларнинг диний фаолияти ёки қурбонликлари учун шикоят қилмади. Худо, одамлар ушбу нарсаларни Унга бўлган фидокорона садоқат билан алмаштиргани учун ғазабланди (Забур 39:7-9; 49:7-17 га қаранг). У одамларнинг Худога бўлган садоқатини бутпарастлик билан алмаштиргани учун ғазабланди (Ҳизқиёл 6:9 га қаранг).

Ваҳий 2:1-7 да Исо Эфесдаги жамоатни унинг меҳнатсеварлиги, қатъиятлилиги, поклиги, тўғри эътиқоди ва Исонинг номи учун азоб чекаётгани учун мақтайди. Бу ҳақиқатан ҳам яхши жамоат эди! Бироқ, илк севгисини йўқотгани учун уни айблайди (4-оят). Исо унга тавба қилишини ва У билан (ва бошқа одамлар билан) самимий севгига асосланган муносабатга қайтишинини, акс ҳолда жамоат хизмат қилган чирокни олиб ташлашини айтади (5-оят; Ваҳий 1:20 ҳам қаранг). Исо ўша имонлиларга ва сизга севгисиз ЯХШИИ жамоатга эга бўлгандан кўра, жамоатга эга БЎЛМАСЛИК афзалроқ демоқчи!

Ҳар бир инсон Худога бўлган севгини Унга хизмат қилиш билан алмаштириш хавфига дуч келади. Кўпинча одамларни мансаблар, унвонлар, бойлик ва ҳокимият ҳайратда қолдиради! Ҳатто жамоатда ҳам. Бироқ, Худо бутунлай Унга бағишланган юрак ҳақида қайғуради (Забур 39:7-9). ХУДО УНГА хизмат қилганингиздан кўра, сиз билан яқин ва севгига тўла муносабатда бўлишни хоҳлайди.

Исо билан ўсиб бораётган севгига тўла муносабат – масиҳий сифатида бутун ҳаётингизнинг манбаидир. Бошқа ҳар қандай мотивация эртами-кечми барбод бўлади. Исога бўлган севги сизни қийинчиликлар ва умидсизликлардан халос қиладиган ягона нарсадир. Исога бўлган севги – одамларни севишда сизга ёрдам берадиган ягона нарсадир. Исога бўлган севги – сизни нажот топмаган одамлар билан хушхабарни баҳам кўришга ундайдиган ягона нарсадир. Исога бўлган севги сизни Буюк топшириқни бажаришга ундайдиган ягона нарса. Исога бўлган севги – синовлар ва қувғинларни енгишга ёрдам берадиган ягона нарса. Исо: *«Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар» деган* (Юҳанно 14:15). Севгидан итоаткорлик келиб чиқади.

Асосий Ҳақиқат: ХУДО ИСОНИ ЖУДА СЕВАДИГАН, УНГА ТЎЛИҚ БАҒИШЛАНГАН ИЗДОШЛАРГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун аввалги саҳифага қайтинг]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 2 БЕКАТ – СИЗНИНГ МАСИҲГА ЎЎШАШЛИГИНГИЗ 3-5 ЖАМОА АЪЗОСИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР		
--	--	--

ОРҚАГА ҚАРАШ (6-бетдаги *РУХИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ҳафтада оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманларингиз билан бўлган муносабатингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечиримлилиқда бўлдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[**ЭСЛАТМА:** Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Римликлар 8:14-16 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Римликлар 8:14-16 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Худодан сўранг: «Мен ҳақимда Сен нима деб ўйлайсан?» Раббий сизга айтган ҳамма нарсани ёзиб олинг.
7. Худодан сўранг: «Сен мени қандай қабул қиласан?» Раббий сизга айтган ҳамма нарсани ёзиб олинг.

[Кейинги бетдаги **2 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Римликлар 8:14-16 ни яна овоз чиқариб ўқинг ва жавоб беринг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафтада итоаткорликни қандай **кўрсатасиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. бу ҳафта сиз Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирд орттириш бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб биргаликда ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Қунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 2 ҚЎЛЛАНМА – СИЗНИНГ МАСИҲГА ЎҲШАШЛИГИНГИЗ

Сиз кимсиз? Сиз нега мавжудсиз? Ушбу иккита саволга тўғри жавоб бериш ҳаётингизга қиймат ва мазмун беради. Бу иккита саволга жавоб билмаслик умидсизлик ва тушкунликка олиб келади.

Лекин жавоблар қасрдан келади? Жамиятингиз ва маданиятингиз иккала саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Бошқа одамлар сизни аниқлашга ҳаракат қилишади, сизни ўзига хос шахс ва мақсад доирасида яшашга мажбур қилишади. Бошқа томондан, кўп одамлар ўзларининг ҳақиқий кимлигини ва мақсадини топиш учун ўзига чуқур қарашга ҳаракат қилишади. Аммо кимлигингиз ва нима учун мавжудлигингиз ҳақидаги саволларга берилган жавоб манбаларининг ҳеч бири қониқарли эмас ва ҳақиқатга мос келмайди.

Сизнинг кимлигингизни ва нима учун борлигингизни биладиган ягона Зот сизни яратган ва қутқарган, Худонинг Ўзидир. Сано бастакори Худо ҳақида шундай дейди: *«Ички аъзоларимни Сен яратгансан, Онамнинг қорнида менга шакл бергансан»* (Забул 138:13). Худо сизнинг **ким эканингизни** билади, чунки У сизни яратди. Худо Еремиё пайғамбарга деди: *«Онанг қорнида сенга шакл бермасимдан олдин сени билган эдим, Туғилмасингдан олдин сени Ўзим учун ажратиб олган эдим. Халқларга сени пайғамбар этиб тайинлаган эдим»* (Еремиё 1:5). Худо сизнинг мақсадингизни билади, чунки ушбу мақсад Худо сизни нима учун яратганининг **сабабидир**.

Шунинг учун, на сиз, на бошқа бири сизнинг моҳиятингизни аниқлай олмайди. Сиз ҳам, бошқалар ҳам ҳақиқий мақсадингизни аниқлай олмайсиз. Сиз фақат Худо сизга берган ўхшашликка ва вазифага **эга бўлишингиз** мумкин.

Муқаддас Рух Исога ишониш орқали юрагингизда ғайритабиий ўзгаришларни амалга оширганда, Худонинг ўғиллари ва қизлари сифатида ҳақиқий кимлигингизга эга бўласиз. Бу сиз қила оладиган нарса эмас. Сиз фақат Муқаддас Рух Ўз ваҳийсини берганида, ўзингизнинг кимлигингиз ва нима учун борлигингиз ҳақидаги «руҳий тушунчани» бошдан кечиришингиз мумкин.

Павлус Худо ҳақидаги руҳий тушунчангиз ҳақида ғайритабиий ваҳий олишингиз учун ибодат қилганди: *«Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, улуг Отамиз, Ўзини таниб–билишингиз учун Муқаддас Рух орқали сизга донолик ва ақл–идрок ато қилсин. Худо сизларнинг қалбингизни нурга тўлдирсин, токи Худо сизларни даъват қилиб, сизларга қандай умид берганлигини, Худонинг халқи У учун нақадар бой мулк эканлигини тушуниб олинглар»* (Эфесликлар 1:17-18). Сиз ким эканингизни **билиб олишингиз** мумкин, чунки Худо буни Муқаддас Китобда эълон қилган. Аммо шахсингиз ва мақсадингиз ҳақидаги ушбу ваҳийни имон орқали **қабул қилганингиздагина**, сиз кимлигингиз ва нима учун мавжудлигингиз ҳақида тушуна оласиз.

Масиҳни қабул қилишдан олдин, сиз руҳий «қул» эдингиз. Аммо нажот топган пайтингизда Худо сизни «Унинг фарзанди» сифатида қабул қилди ва сизга *«Рух орқали»* фарзанд бўлишни ато этди (Римликлар 8:256). Фарзанд сифатида қабул қилинганингиз натижасида энди Худога «Отажон» деб илтижо қилишингиз мумкин.

Шундай бўлса-да, Масиҳдаги ҳақиқий кимлигингиз ҳақидаги Отанинг: «Сизлар Менинг севимли ўғил-қизларимсизлар. Мен сиздан жуда мамнунман!» деган баёнини **эшитмагунигизча** ва **қабул қилмагунигизча**, «қулдай» яшайверасизлар. Сиз Самовий Отадан «Мени қандай қабул қиласан?» «Нима учун мен мавжудман?» деб сўраш орқали ўзингизнинг ҳақиқий шахсингизни ва вазифангизни **қабул қиласиз** ва **мустаҳкамлайсиз**; Кейин эса имон билан ўша ҳақиқий шахс ва мақсадга мувофиқ яшанг.

Асосий Ҳақиқат: ҲАҚИҚИЙ ЎҲШАШЛИККА ВА МАҚСАДГА ФАҚАТ «МУҚАДДАС РУҲНИНГ ОЧИҚЛИГИ» ОРҚАЛИ ЭРИШИШ МУМКИН. БУНГА ИНСОННИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШ» мавзусини муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ		
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 3 БЕКАТ – СИЗНИНГ АСОСИЙ УСТУНЛИГИНГИЗ		
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ	4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР	15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6-бетдаги *РУХИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз бу ҳафтада Масихга бўлган севги ва садоқатда ўсдингизми? Қандай қилиб?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Матто 28:18-20 ва **2 Тимўтий 2:2** ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Матто 28:18-20 ва **2 Тимўтий 2:2** ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Нима учун кўп чўпонлар ва етакчилар қутқарилмаганларга нажот ҳақида етказиб беришдан кўра, улар жамоат фаолиятига кўпроқ эътибор беришади?
7. Шогирд орттиришга эътибор бериш, хизматингиздаги устунликни қандай ўзгартириши мумкин?

[Кейинги бетдаги **3 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Матто 28:18-20 ва **2 Тимўтий 2:2** ни яна овоз чиқариб ўқинг ва жавоб беринг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **номоён қиласиз**? Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта сиз Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб биргаликда ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу мухтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 3 ҚЎЛЛАНМА – СИЗНИНГ АСОСИЙ УСТУНЛИГИНГИЗ

Кўп чўпонлар ва жамоат етакчилари буюк жамоат қуриш учун жуда олижаноб бўлади, аммо нотўғри истакларга эга бўлишади. Кўпчилик буюк жамоатни кўп одамларга, чиройли бинога, яхши дастурларга, катта бюджетга ва ажойиб обрўга эга бўлган жамоат сифатида белгилайди. Аммо бундай жамоат Худонинг назарида буюк бўлиши ҳам ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

Лекин Исо ҳеч қачон ҳеч кимни катта жамоат қуришга чақирмаган. Янги Аҳдда катта жамоат қуриш, ҳатто жамоат ташкил қилиш ҳақида буйруқ топа олмайсиз! Ҳар бир жамоатдаги асосий нарса одамлардир, бинолар ёки дастурларнинг сони эмас. Энг муҳими, жамоат Худонинг асосий мақсадини амалга оширяптими ёки йўқми.

Агар Исо сизни катта жамоат қуришга чақирмаган бўлса, унда нима қилиш керак? У буни Ўзининг охириги амрида аниқ кўрсатиб берди: *«Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар»* (Матто 28:19). Бу Буюк Топшириқ. Сизнинг асосий мақсадингиз ўз туманларингиз, қишлоқларингиз, шаҳарларингиз ва мамлакатингиздаги одамларга хушxabарни етказиш ва ўз навбатида Худонинг Шохлигини кенгайтирадиган шогирдларни яратишдир. Ушбу тамойил Янги Аҳднинг Ҳаворийлар китобида акс эттирилган. Ҳаворийлар ва шогирдлар бошқа шогирдларни тарбиялашга эътибор қаратганда, жамоатлар ташкил этилди, улар ўсиб борди ва кўпайди (Ҳаворийлар. 6:1, 7; 9:31; 9:10 қаранг). Ушбу жамоатлар тузилиши жиҳатидан содда бўлган ва тез кўпайган. Жамоатларни етук етакчилар бошқарган. Жамоатлар ибодат қилиш, бир-бирларига хизмат қилиш, шогирд орттириш ва бошқаларга гувоҳлик бериш каби оддий ишлар билан шуғулланишган (1 Тимўтий 3; Титус 1; 1 Коринфликлар 14; Колосаликлар 3:15-17; 4:2-6).

Биродарлар ва опа-сингиллар, Худо сизни нима қилишга чақиргани ҳақидаги ўз фикрингизни ўзгартиришингиз керак! Сизнинг асосий мақсадингиз буюк жамоатларни барпо этиш ва қуриш эмас, балки кўпаяётган шогирдларни тарбиялаш ва етиштиришдир. Агар шогирдларни кўпайтиришни ўз мақсадингиз қилиб қўйсангиз, бу жамоатларнинг кўпайишига олиб келади!

Исонинг охириги буйруғи сизнинг асосий устунлигингиз бўлиши керак.

Асосий Ҳақиқат: ИСО СИЗНИ БУЮК ЖАМОАТ ҚУРИШГА ЧАҚИРМАДИ, У СИЗНИ КЎПАЯДИГАН ШОГИРДЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЧАҚИРДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШ» мавзусини муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 4 БЕКАТ –
ОДДИЙ ХУШХАБАРНИ ТУШУНАРЛИ ҚИЛИШ
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз бу ҳафтада Масихга бўлган севги ва садоқатда ўсдингизми? Қандай қилиб?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 15:1-8 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 15:1-8 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Ушбу оятлар инсон қандай қилиб нажот топиши ва абадий ҳаётга эга бўлиши ҳақида нимани ўргатади?
7. Масихийлар Худо берадиган абадий ҳаётга эга бўлиши учун нима талаб қилиниши ҳақида бошқаларни қандай чалғитишади?

[Кейинги бетдаги **4 ҚЎЛЛАМНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 15:1-8 ни яна овоз чиқариб ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН» _____ »

9. БУ ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 4 ҚЎЛЛАНМА –
ОДДИЙ ХУШХАБАРНИ ТУШУНАРЛИ ҚИЛИШ**

Худо бутун инсоният нажот топишини ва ҳақиқатни англаб етишини истайди (1 Тимўтий 2:4). Худованд сизни буюк Хушхабарни ёйишда У билан бирга ҳамкорлик қилишга чақирди. Биз Исони таниб билиш – абадий ҳаётга эришишдаги ягона умид эканини ҳамма эшитишини истаймиз.

Сиз ўз **САЁҲАТИНГИЗ** давомида худудингиздаги одамларга ҳар доим Хушхабар айтишингиз керак. Бошқалар Масихга имон келтириши учун олдин сиз Хушхабарни **ҳақиқий, аниқ** ва **оддий** тарзда тушуниб олиб, кейин бошқаларга шу тарзда айтишингиз муҳим. Тажриба шуни кўрсатадики, кўп масихийлар, ҳатто чўронлар ва етакчилар ҳам бу муҳим масалада чалкашиб кетишади.

Хушхабарнинг асосий жиҳатлари 1 Коринфликлар 15:1-8, 51-53 да келтирилган:

1. **Исо Масих сизнинг гуноҳларингиз учун ўлди** (3-оят).
 - А. Худо одамларни севади ва ҳамма нажот топишини ҳамда абадий ҳаётга эга бўлишини хоҳлайди (Юҳанно 3:16; 1 Тимўтий 2:4).
 - Б. Ҳар бир инсон Худога қарши гуноҳ қилган ва Ундан ажралган (Римликлар 3:23).
 - В. Исо гуноҳ учун тўлов тўлаган Худонинг ягона гуноҳсиз Ўғлидир ва У абадий ҳаётга олиб борадиган ягона йўлдир (Римликлар 5:8; Юҳанно 14:6).
2. **Исо жисмонан дафн қилинди** (4-оят).
3. **Исо учинчи кунни ўлимдан танавий тирилди** (5-8 оятлар).
4. **Исо Масихга ўзининг шахсий Нажоткори сифатида ишонганларнинг гуноҳлари кечирилади ва абадий ҳаётга эга бўладилар** (1-2, 51-53-оятлар).
 - А. Сиз Худонинг Исодаги инояти билан абадий ҳаёт инъомини қабул қилиш орқалигина нажот топасиз (Эфесликлар 2:8-9).
 - Б. Имон (Исога ишониш) гуноҳдан қутулиш ва абадий ҳаётга эга бўлишнинг ягона йўлидир (Юҳанно 1:12; 3:16; Римликлар 10:9-10).

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – Оддий Хушхабарни айтишга ва бошқаларга Масихга ишониш имкониятини беришга ёрдам берадиган, Хушхабар воситаси сифатида тайёрланган.

УШБУ ВОСИТАНИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА
КЎРСАТМАЛАРНИ ҚУЙИДАГИ САҲИФАЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИНГ.

Асосий Ҳақиқат: ДОИМ ҲАҚИҚИЙ, ОДДИЙ ВА АНИҚ ХУШХАБАР АЙТИНГ ВА ИЛОЖИ БОРИЧА КЎПРОҚ
ОДАМ ТАКЛИФ ҚИЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

ЭСЛАТМА: **СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИНИНГ** тўлиқ нусхаси 47-48 саҳифаларда мавжуд. Хушхабар айтишда фойдаланиш учун (ўз ҳисобингиздан) чекланмаган миқдорда кўчирмасидан қилиб олишингиз мумкин.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
4 БЕКАТ УЧУН ВОСИТА – СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ
БЎЙИЧА ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИ



1. Ўз ГУВОХЛИГИНГИЗ билан бўлишинг:
 - Исога ишонишдан олдин ҳаётингиз қандай эди?
 - Сиз Исога ўз Нажоткорингиз сифатида қандай қилиб имон келтирддингиз?
 - Исога ишонганингиздан кейин ҳаётингиз қандай ўзгарди?

Уларга воситанинг олд панелидаги тасвирни кўрсатинг.

Айтинг: «Сизга имонингиз ҳақида бир неча савол бериб, абадий ҳаётга эга эканингизга қандай амин бўлишингиз мумкинлигини Муқаддас Китобдан кўрсатсам бўладими?»

2. Уларга учбурчакни кўрсатинг ва бу рақам Худонинг рамзи эканини айтинг. Сўранг: «Сиз Худога ишонасизми? У сизни севишига ишонасизми?»

Суҳбатдошингизнинг жавобини кутинг. Бу саволлар сизга нафақат у билан гаплашишга, балки улар билан суҳбатлашишга ёрдам беради.

3. Ҳар бир расм билан **Муқаддас Китоб оятини** бирга ўқиш **муҳимдир. Юҳанно 3:16** дан бошланг. **(1)**
 - Унда Муқаддас Китоб бор йўқлигини сўранг. Агар бор бўлса, уни олишини ва Муқаддас Китобдаги оятларни топишга ёрдам беришини сўранг. Агар унда Муқаддас Китоб бўлмаса, ўзингизнинг Муқаддас Китобингиздан оятларни ўқишингиз ёки **ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИНИНГ** орқасидаги оятларни ўқишингиз мумкин (агар улар у ерда чоп этилган бўлса).
 - Оятни унинг ўзи ўқиса мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, у уларни ўқий олмаса, эътиборли бўлинг. Агар у иккиланса ёки «менда кўзойнак йўқ» каби бир нарса айтса, унда ўзингиз ўқинг.
4. Биринчи панелнинг пастки қисмидаги инсон киёфасини кўрсатинг. Сўранг: «**Сизнингча, у кимни тасвирлайди?**» Улар: «Одамларни ёки шайтонни» деб жавоб беришлари мумкин. Инсон киёфаси дунёдаги барча одамларни – сизни, мени ва бошқаларни англатишини айтинг. Одамлар Худодан ажралганини кўрсатувчи қора жарликни кўрсатинг. Римликлар 3:23 **(2)** ни ўқинг ва: «**Муқаддас Китобда айтилишича, сиз Худодан ажралгансиз, чунки ҳар биримиз гуноҳ қилганмиз. Сиз Худога қарши гуноҳ қилганингизга ишонасизми?**» – деб сўранг.
5. Одамларнинг Худодан ажралгани тасвирланган қора жойдаги Римликлар 6:23 **(3)** ни ўқинг. «**Гуноҳларингиз ўлимга, Худодан абадий ажралишга олиб келишига ишонасизми?**» – деб сўранг.



6. Хоч тасвирланган кейинги панелга ўтинг. Римликлар 5:8 (4) ни ўқинг ва шундай деб айтинг: «Худо бизни севади ва бизнинг гуноҳларимиз учун Ўз Ўғли Исо Масиҳни хочдаги ўлимга юбориш орқали, бизга Уни таниб билиш имкониятини берди. Исо сиз учун хочда ўлганига ишонасизми?»

7. Юҳанно 14:6 (5) ни ўқинг ва сўранг: «Исо Масиҳ Худо билан абадий ҳаётга олиб борадиган ягона йўл эканига ишонасизми?»

8. 1 Коринфликлар 15:3-8 (6) ни ўқинг ва сўранг: «Худо Исони ўлимдан тирилтирганига ишонасизми?»

9. Учинчи панелга ўтинг, уларга совғанинг тасвирини кўрсатинг ва айтинг: «Худо сизнинг У билан абадий ҳаётга эга бўлишингизни хоҳлайди ва У буни бепул совға сифатида тақдим этмоқда.» Кейин Эфесликлар 2:8-9 (7) ни ўқинг ва айтинг: «Агар сиз Исонинг номи билан ишонсангиз, Худо сизга Унинг фарзанди бўлишни таклиф қилади.» Кейин Юҳанно 1:12 ни ўқинг (8).

10. «Худонинг инъомини рад этганларга Худо шундай дейди» ва 2 Салоникаликлар 1:8-10 (9) ни ўқинг. «Агар сиз бу инъомни имон орқали қабул қилсангиз, Худо У билан абадий ҳаётга эга бўлишингизни ваъда қилади» (1 Юҳанно 5:11-12) (10).

11. СЎРАНГ: «Сиз Исо Масиҳга ишониш орқали абадий ҳаёт инъомига бугун эга бўлишни хоҳлайсизми?»

12. Агар улар «Ҳа» деб жавоб беришса, Римликлар 10:9–10 ни ўқинг (11). Сиз чин дилдан **ишониб**, **оғзингиз билан тан олишингиз** орқали бугуноқ Масиҳни имон билан қабул қилишингиз мумкин. Ибодат сизни кутқармайди. Фақат **Масиҳга бўлган ишонч** кутқаради. Ибодат сўзлари имонингизни ифодалашга ёрдам беради. Мана, ибодатнинг намунаси: «**Раббий Исо, мен Сенга муҳтожман. Мен Сенга қарши гуноҳ қилганимни тан оламан. Гуноҳларимни кечиргин. Мен бугун гуноҳларимнинг кечирилишини ва абадий ҳаёт**

Исми _____

Манзили _____

Телефон рақами _____

Куни _____ Ёши _____

- ☐ Мен Масихни ўз Нажоткорим сифатида қабул қиламан.
- ☐ Мен Исо Масихга бўлган янги имонимда ўсишим учун эртага учраша оламан.
Эрта учун вақт: _____
ёки бошқа кун: _____ Вақт: _____
- ☐ Мен Исо Масих ҳақида кўпроқ билиш учун ўз ҳудудимдаги бошқа одамлар билан учрашишни хоҳлайман.


каби бепул инъомни имон билан қабул қиламан.
Исо номи билан. Омин».

13. Худонинг абадий ҳаёт инъомини имон орқали қабул қилгандан сўнг, ундан сўранг: «**Масих гуноҳларингизни кечиришига ва сизга абадий ҳаёт беришига ишондингизми?**» Кейин уни янги имони билан табриклаб, рағбатлантиринг ва у учун ибодат қилинг.

14. *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИНИНГ* охириги панелини йиртиб олинг. Алоқа маълумотларини тўпланг ва тегишли катакчаларни белгиланг.

15. Иложи бўлса, янги имонлини *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИ* (35-бет) ёрдамида ўқитишни бошлаш учун кейинги учрашувингизни эртанги кунга белгиланг.

16. Алоқа маълумотларини жамоат раҳбарига беринг.


1  Юҳанно 3:16 3 Римликлар 6:23 2  Римликлар 3:23	4 Римликлар 5:8 5  Юҳанно 14:6 6 1 Коринликлар 15:3-8	10  1 Юҳанно 5:11-12 7  Эфесликлар 2:8-9 8 Юҳанно 1:12 9 2 Салоникаликлар 1:8-10 11 Римликлар 10:9-11 ЎКИ	Исми _____ Манзили _____ Телефон рақами _____ Куни _____ Ёши _____ ☐ Мен Масихни ўз Нажоткорим сифатида қабул қиламан. ☐ Мен Исо Масихга бўлган янги имонимда ўсишим учун эртага учраша оламан. Эрта учун вақт: _____ ёки бошқа кун: _____ Вақт: _____ ☐ Мен Исо Масих ҳақида кўпроқ билиш учун ўз ҳудудимдаги бошқа одамлар билан учрашишни хоҳлайман.
--	---	---	---

[Давоми кейинги саҳифада]

КИМ?

Оддий ва аниқ Хушхабарни ким билан бўлишингиз керак?
ҲАММА БИЛАН, лекин олдин муносабатда бўлган одамларга айтишдан бошланг.

1. **Кундалик ҳаётингизда** мулоқот қиладиган одамларни **рўйхатлаш** учун қуйидаги жадвалдан фойдаланинг. Бу яқин дўстингиз ёки **ҳар кун** бозорда кўрадиган, лекин исмини ҳам билмайдиган одам бўлиши мумкин.
2. Кейинги ҳафтада Худо ҳар бир инсоннинг юрагини Хушхабарга очиши учун, **ҳар кун**.
3. **ИБОДАТ** қилинг. **Уларнинг олдида БОРИШ** (бу сизнинг кундалик ҳаётингизнинг бир қисми бўлиши мумкин), уларга Раббий сиз учун нима қилганини **айтиш** ва **СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИ** ёрдамида улар билан ҳақиқий, оддий ва аниқ Хушхабарни **бўлишиш** учун вақт ажратинг.
4. Кейинги учрашувингизда ўз **ЖАМОАНГИЗГА** нималар бўлгани ҳақида айтиб беринг.



- **КУНДАЛИК ҲАЁТИНГИЗДА** Худо сизга Хушхабар айтишингиз учун юборадиган одамларга нисбатан эътиброли бўлинг.
- Сиз (ва сизнинг **ЖАМОАНГИЗ**) ибодат қилиб, Хушхабар айтадиган **МАХСУС** тингловчиларни ёки жойни аниқлаштиришингиз керак.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 5 БЕКАТ – ШАХСИЙ ГУВОҲЛИК 3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР		
--	--	--

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ҳафтада жинсий фикрлар ва ҳаракатлар, шунингдек, қуллиқнинг ҳар қандай кўринишлари устидан ўзингизни назорат қилдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 26:1-29 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 26:1-29 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг.

6. Павлус нажот ҳақидаги шахсий гувоҳлигида қайси асосий фикрларни таъкидлаган?
7. Масиҳий бўлганингиздан бери Исо ҳаётингизда ўзгартирган битта ёки иккита муҳим нарса билан бўлишинг.

[Кейинги бетдаги **5 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 26:1-29 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 5 ҚЎЛЛАНМА – ШАХСИЙ ГУВОҲЛИК

Ҳар бир масиҳийнинг, Павлус каби, Исо билан бўлган шахсий тажрибаси ҳақида ўз ҳикояси (гувоҳлиги) бор. Шахсий гувоҳлик – бу сиз Исога қандай ишонганингиз ва У ҳаётингизни қандай ўзгартиргани ҳақидаги ноёб ҳикоядир. Худо сизнинг гувоҳлигингиздан бошқаларга кучли таъсир кўрсатиш ва уларга Ўзининг ҳикоясини, Хушхабарини айтиб бериш имкониятини бериш учун фойдаланади.

Худо сиздан фойдаланиши учун сиз «имонсизлар» билан мулоқот қилишингиз керак (Колосаликлар 4:5). Бошқалар билан учрашиб, мулоқот қилганингизда суҳбатни «уларнинг ҳикояси» ҳақида саволлар беришдан бошланг. Улар нимага ишонишларини **сўранг**. Қуйидаги саволлар сизга бошқа одамнинг Худо билан бўлган муносабати ҳақида билиб олишга ёрдам беради.

«Сиз Худога ишонасизми? Нега ҳа ёки нега йўқ?»

«Худо билан бўлган муносабатингизни қандай тасвирлаган бўлардингиз?» «Ўзингизни Унга узоқ ёки яқин ҳис қиласизми?»

«Худо билан ажойиб муносабатда бўлишингизга нима халақит беради деб ўйлайсиз?»

«Бу учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?» «Ўлганингиздан кейин Худо билан абадий ҳаётга эга эканлигингизга аминмисиз?»

«Сизнинг фикрингизча, Исо Масих Ким?» «У нима учун ер юзига келди?»

«Нега У хочда ихтиёрий равишда ўлди?»

«Сизнингча, ўлимдан кейин У билан абадий ҳаётга эришишингизга амин бўлишингиз учун Худо сиздан нимани талаб қилади?»

Исо ҳаётингизни қандай ўзгартирганини (гувоҳлигингизни) айтиб бериш учун **рухсат сўранг**. Сизнинг ҳикоянгиз...

- **қисқа бўлиши керак** – бир дақиқадан ошмаслиги керак (максимал 2)!
- **суҳбат тарзида бўлиши керак** – ваъз эмас, балки одатдаги суҳбат каби диалог; ёд олинмаган.
- Унда имонсизлар учун тушунарсиз бўлган **диний ёки теологик атамалар бўлмаслиги керак**.
- **Гувоҳлигингиз жамоатингиз** (ёки бошқа жамоат) ёки муҳим бўлмаган масалалар (ахлоқий, сиёсат ва бошқалар) ҳақида бўлмаслиги керак.
- **Исо ҳақида ва Унинг ҳаётингизда нима қилгани** ҳақида бўлиши керак!
- **Гувоҳлик учта асосий қисмдан иборат бўлиши керак:**
 1. Исо билан учрашишдан олдин ҳаётингиз қандай эди...
 2. Исо билан қандай танишдингиз...
 3. Исо сизнинг ҳаётингизда нимани ўзгартирди ёки ўзгартирмоқда...
- **Хушхабарнинг асосий жиҳатларини ўз ичига олиши керак** – сизнинг ҳикоянгизга асосланиб, одам қандай қилиб масиҳий бўла олишни тушуниши керак.
- одамлар тушунадиган **эҳтиёж/мавзу** асосида қурилиши керак.
- **Худонинг ҳикоясини тинглаш учун савол/таклиф билан яқунланиши керак:** «Қандай қилиб Худо билан абадий яшаш мумкинлигини билишни истайсизми?»
- **Ёзилган бўлиши керак** (ва баҳоланган/кўриб чиқилган), лекин **ёдланмаган** бўлиши керак. Ҳикояни ёзинг ва уни имонсизлар нуқтаи назаридан баҳолай оладиган одамга ўқиб беринг. Ҳикояни қайта кўриб чиқинг, кейин эса 30 кун давомида ўзингизга овоз чиқариб ўқинг.
- **Ҳикояни аниқ бир мақсад билан тез-тез бўлишиб туриш керак! Янги имкониятлар учун ибодат қилинг!**

Топширик: Юқорида баён этилган тамойиллар асосида шахсий гувоҳлигингизни ёзинг. Умумий схемага риоя қилинг: (1) **Исодан олдинги ҳаётим** (Исо билан учрашишдан олдинги ҳаётингиз ҳақида битта ёки иккита нарсани айтинг); (2) **Мен Исо ҳақида қандай билиб олдим ва қандай Унга ишондим;** (3) **Исо менинг ҳаётимни қандай ўзгартирди** (Исо ўзгартирган битта ёки иккита жиҳатни айтиб беринг). Ҳикояни имонсизлар нуқтаи назаридан баҳолай оладиган одамга ўқиб беринг. Ҳикояни қайта кўриб чиқинг ва 30 кун давомида ўзингизга овоз чиқариб ўқинг. Ҳикоянгизни тез-тез бошқаларга айтишга ҳаракат қилинг!

Асосий Ҳақиқат: ХУДО БОШҚАЛАР МАСИХГА ИШОНИШЛАРИ УЧУН СИЗНИНГ ШАХСИЙ ГУВОҲЛИГИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНАДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ- 6 БЕКАТ – СЕВГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ой *ХИЗМАТ ХАРИТАНГИЗГА* кимларни кўшдингиз?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[**ЭСЛАТМА:** Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 13:1-13 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 13:1-13 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Сиз Исонинг севгисини акс эттиришингиз керак. 1 Коринфликлар 13:4-7 ни ўқиётганингизда, ҳар бир баёотда «севги» сўзини исмингиз билан алмаштиринг. (Масалан: «Лайло сабрли ва меҳрибон.») Агар оилангиз, дўстларингиз, қўшнилариңгиз ёки душманлариңгиз сизни эшитишганида, қайси баёотларни тўғри деб айтган бўлишарди ?
7. Севгини барча муносабатлариңгизда (оилангизда, қўшнилариңгизда, жамоатда) яхшироқ акс эттириш учун ҳаётингизда айнан нимани ўзгартиришингиз керак?

[Кейинги бетдаги **6 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

1 Коринфликлар 13:1-13 ни қайта овоз чиқариб ўқинг ва жавоб беринг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз**? Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ- 6 ҚЎЛЛАНМА – СЕВГИНИНГ УСТУНЛИГИ

1 Коринфликлар 12 да Худо Ўз халқига берган турли руҳий инъомларнинг аҳамияти тушунтирган. Шунингдек ушбу парча инъомларингиз ҳар хил бўлса ҳам, имонлилар Муқаддас Рухда бирликка эга бўлишлари кераклиги ҳақида айтилади. Масиҳ танасининг тўлиқлиги Худонинг улуғворлигини янада яхшироқ акс эттириши учун, сиз ўз фарқларингиз билан бир-бирингизга кераксиз. Сиз «муҳимроқ инъомларга эга бўлишга» интилишга чорлангансиз. ЛЕКИН Муқаддас Китобда айтилишича, инъомлардан ҳам муҳимроқ нарса бор – бу «**энг олий йўл**» (1 Коринфликлар 12:31б). Энг олий йўл, бу 1 Коринфликлар мактубининг кейинги бобида баён этилган **СЕВГИ** йўлидир.

1 Коринфликлар 13 бобдаги матн жуда машҳур, шу қадар машҳурки, унинг сўзлари ўз кучини йўқотиши мумкин. 1-3 оятлардаги бошқа инъомлар ва қобилиятларга нисбатан севгининг муҳимлигига эътибор беринг. Севги – бошқа барча инъомлар ва қобилиятларга қиймат берадиган таркибий қисмдир. Севгисиз улар кераксиз, самарасиз ва фойдасиздир.

Матто 22:36-40 ни ЎҚИНГ. Исо СЕВГИ (Худони севиш ва яқинни севиш) бутун қонун ва пайғамбарлар таълимотларининг асоси эканини айтди.

1. Севги Исо Масиҳнинг энг муҳим **амридир** (Мат.то 22:34-40; 1 Юҳанно 4:19-21; Матто 5:43-47). Худога бўлган севги ва яқинларга бўлган севги. Бирисиз иккинчиси мумкин эмас.
2. Севги, Муқаддас Рух ишлаётганинг **далилидир** (Галатияликлар 5:22-23). Муқаддас Рухнинг самараси СЕВГИ бўлиб, севинч, хотиржамлик, сабр–тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, мулойимлик ва ўзини тута билиш орқали намоён бўлади.
3. Севги Исо Масиҳнинг издоши эканингизни **тасдиқлайди** (Юҳанно 13:34-35). Исо **ҲАР БИР** инсонга (гуноҳкорга ва муқаддасга) сиз ҳақиқатан ҳам Унинг шогирдларига тегишли эканлигингизни текшириш ҳуқуқини беради. Унинг ягона мезони – бир-бирига бўлган СЕВГИДИР.
4. Севги таълимотни таниб билишнинг мақсади бўлиб, аҳамиятсиз таълимотлар ёки тахминларга оғиб кетишдан ҳимоя қилади (1 Тимўтий 1:5).
5. Севги барча ҳаракатларингизнинг асоси бўлиши керак (1 Коринфликлар 16:13-14). Хушёр бўлинг! Қатъий бўлинг! Жасоратли бўлинг! Аммо «**сиз қилаётган ҳамма ишингиз севгига асосланган бўлсин**».

Севги кундалик ҳаётда қандай намоён бўлади? Жавобни 1 Коринфликлар 13:4-13 да топамиз:сабр–тоқат, меҳрибонлик, ҳасад қилмаслик, мақтанмаслик, ғазаб ва ҳафагарчиликнинг йўқлиги, ҳақиқатга қувониш, имон, умид ва қатъиятчилик.

Исо қайтиб келганида, Худонинг кўп инъомлари сизга керак бўлмайди.

Пайғамбарчилик? Уларнинг барчаси аллақачон бажарилмоқда;

Исонинг ҳузурида яна нима ҳақда башорат қилиш мумкин?

Тиллар? Улар тўхтади; уларга қандай эҳтиёж бор?

Билим? Бу ўтиб кетади; сиз аллақачон ҳамма нарсани билиб оласиз!

Имон? У бутунлай бажо бўлади ва кўринадиган ҳақиқатга айланади!

Умид? Бу Исо Масиҳнинг шахсида амалга ошади!

Севги, у абадий давом этади.

Асосий Ҳақиқат: СЕВГИ ҲАЁТИНГИЗНИНГ БАРЧА СОҲАСИДА ҚИЛГАН ҲАР БИР ИШИНГИЗНИНГ ВА ХИЗМАТИНГИЗНИНГ МАРКАЗИДА БЎЛИШИ КЕРАК.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ		
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 7 БЕКАТ – ХУШХАБАРЧИНИНГ ҲАЁТ ТАРЗИ		
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ	4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР	15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз Муқаддас Рухга бўйсундингизми ва Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қолдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[**ЭСЛАТМА:** Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Юҳанно 4:1-39 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги масалаларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Юҳанно 4:1-39 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Масихга ишонганлар нимадан ва кимдан қочишади, нажот топмаганларга хушxabар айтиш учун Унинг ҳаёт тарзи бўйича яшашга нима тўсқинлик қилади?
7. Хушxabарни эълон қилиб яшашни бошлаш учун қандай режа тузиш мумкин?

[Кейинги бетдаги **7 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Юҳанно 4:1-39 ни яна овоз чиқариб ўқинг ва жавоб беринг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушxabар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 7 ҚЎЛЛАНМА – ХУШХАБАРЧИНИНГ ҲАЁТ ТАРЗИ

Нажот топмаган одамлар билан Исо Масиҳ Хушхабарини бўлишиш сиз учун қандай катта шараф ва масъулиятдир! Фақат Хушхабаргина Худо билан тинчлик олиб келади ва Худо билан бирга бўладиган абадий ҳаётга умид беради. Хушхабарга ишониш ва Худонинг нажот инъомини қабул қилиш орқалигина ҳар бир инсон Худо билан ва бошқа одамлар билан абадий ва севгига асосланган муносабатни топа олади. Ҳаворий Бутрус бизга ҳаёт тарзига айланган Хушхабарнинг қанчалар шарафли ва масъулиятли эканини эслатади. 1 Бутрус 3:15б да шундай ёзилган: «*Масиҳга бўлган умидингиз ҳақида сиздан сўраган ҳар бир кишига жавоб беришга доимо тайёр туринглар.*»

Бутрус: «*жавоб беришга доимо тайёр туринглар*», – деб ундайди. Исонинг қудуқ олдидаги аёл билан учрашуви ҳақидаги ҳикоядан кўриниб турибдики, Исо Хушхабар айтишга тайёр эди ва одамлар билан учрашганда буни амалга ошириш учун ташаббус кўрсатди. Ўқиш давомида сиз **СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ ХУШХАБАР АЙТИШ ВОСИТАСИ** ёрдамида Хушхабарнинг муҳим жиҳатларини осон ва аниқ айтишни ўргандингиз. Ушбу воситадан фойдаланишда давом этсангиз, Хушхабарни айтиш орқали имон ва хурсандчиликка эга бўласиз. Ўз гувоҳлигингиз ва ушбу воситангиз билан қуролланиб, Муқаддас Рухнинг илҳоми билан сиз Хушхабарни эшитишга муҳтож бўлган, нажот топмаган одамлар билан руҳий суҳбатларни жасорат билан бошлайсиз.

Бутрус «*сиздан сўраган ҳар бир одамга*» жавоб беришга тайёр бўлишга чақиради. Муқаддас Рух доимо сиз айтган Хушхабарни қабул қилишлари учун юракларни тайёрлайди. У одамларни гуноҳкор эканига ишонтиради ва Худодан ажралмасликнинг йўлини излашга ундайди. Исо самариялик аёлни гуноҳкор эканлигига ва нажот топиши кераклигига ишонтиришнинг ҳожати йўқ эди. Сиз ҳам одамларни нажотга муҳтожлигига ҳеч қачон ишонтирмаслигингиз керак; сиз шунчаки уларнинг муаммосига бўлган Худонинг ечими ҳақида айтишингиз керак. Бу ҳақиқат сизда сиз танийдиган ва учрашадиган одамларга Хушхабар айтиш ташаббусини уйғотиши керак. Шунингдек сиз Муқаддас Рух уларнинг юрагини ҳақиқатни қабул қилишга ва ушбу ҳақиқатни экишга тайёрлаб қўйганини тушунишингиз керак. Сизнинг вазифангиз руҳий масалаларни муҳокама қилиш учун очиқ одамларни излашдир. Исога ўхшаб, сиз ҳам саволлар беришда ташаббус кўрсатишингиз ва одамларнинг руҳий соҳадаги қизиқишларини билиш учун улар билан суҳбатлашингиз керак.

Рухнинг юракларни Хушхабарни қабул қилишга тайёрлаш усулларида бири – Исога муҳтож бўлганлар сизнинг ўзгарган ҳаётингизни кузатишидир. Бутрус «*умидингиз ҳақида сиздан сўраган*» ҳаммага жавоб беришга тайёр бўлишингиз кераклигини айтганда, мана шуни назарда тутган. Одамлар ҳаётингизни кузатиб туришади. Сиздаги Муқаддас Рухнинг ишини кўриб, шунга ўхшаш ўзгаришларга қандай эга бўлишни билишни хоҳлашади. Исога бўлган умидингиз юкумли ва жозибалидир! Бутрус хушхабарни айтишга «*доимо*» тайёр бўлишга чақириб билан бошлайди. Хушхабар айтиш шунчаки ҳодиса эмас.

Хушхабар айтиш – **ҳаёт тарзидир**. Хушхабар айтиш Масиҳнинг умидида яшаш ва сиз айтган Хушхабарга бошқалар ишониши учун жозибали контекст яратишдир. Худонинг Ҳаётингизда қилган ишини, Рух сизни қандай ўзгартираётгани ҳақидаги гувоҳлигингизни бошқаларга айтиш, агар улар Исога ишонсалар, сиздаги ўзгаришлар уларнинг ҳам тажрибаси бўлиши мумкинлигини уларга содда, аниқ ва жасорат билан тушунтиришга имкон беради.

Шундай қилиб, биродарлар ва опа-сингиллар, ҳар доим тайёр бўлинг ва умидингиз Исода экани, У Худо билан абадий ҳаёт учун ягона умид экани ҳақидаги Хушхабарни бошқаларга айтиш учун ташаббус кўрсатинг.

Асосий Ҳақиқат: ИСО ДОИМ АБАДИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ НОЁБ ХАБАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.
СИЗ УНГА ТАҚЛИД ҚИЛИШИНГИЗ КЕРАК ВА БУ ХАБАРНИ ҲАЁТИНГИЗ ОРҚАЛИ ҲАР БИР
ИНСОНГА ЭЪЛОН ҚИЛИШИНГИЗ КЕРАК.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ		
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 8 БЕКАТ – МУҚАДДАС КИТОБ АСОСЛАРИ		
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ	4 ҚАРАШЛАР-10 САВОЛЛАР	15 БЕКАТЛАР

РҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманлари билан бўлган муносабатларингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқатли ва кечиримли бўлдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги масалаларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Ҳаётингизда Муқаддас Китобга нисбатан Худонинг мақсади қанақа?
7. Муқаддас Китоб билан ишлашнинг 6 усулидан қайси бирини кўпроқ ривожлантириш керак?

[Кейинги бетдаги **8 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.
«МЕН БАЖАРАМАН» _____ »

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ- 8 ҚЎЛЛАНМА – МУҚАДДАС КИТОБ АСОСЛАРИ


Масихийларнинг муваффақиятли ҳаёти ва хизматининг асоси Муқаддас Китобни билиш ва амалда қўллашдир. Худо сизга «*ҳар қандай яхши иш қилишга қобил бўлиб, тайёр*» туришингиз учун Муқаддас Китобни берди (2 Тимўтий 3:16-17). Агар сиз онгингизни, юрагингизни ва ҳаёт тарзингизни Муқаддас Китоб ҳақиқати билан тўлдирмасангиз, имонда ўсиб, бошқаларга хизмат қила олмайсиз. Муқаддас Китобда ҳаётингизни ҳақиқат билан тўлдиришнинг олти усули баён этилган.

1. **Тингланг.** Исроил халқи Муқаддас Китобни тинглаш учун йиғилишди (Ёшуа 8:34-35). Павлус Тимўтийга Муқаддас Китобни оломон олдида ўқиб беришни, жамоатга ўқиб беришини айтди (1 Тимўтий 4:13). Мунтазам равишда Муқаддас Китоб ўқишларини тингланг, оилангиз билан тинглашингиз ҳам мумкин. Иложи бўлса, Муқаддас Китобни аудио ёки онлайн тингланг.
2. **Ўқинг.** Исроилнинг ҳар бир шоҳида Муқаддас Китобнинг ўзига хос нусхаси бўлган, шунда у «*уни ҳар кун, умри давомида*» ўқиши мумкин эди (Қонун 17:18-19). Жамоатга Янги Аҳд мактубларини ўқиш буюрилган (Колосаликлар 4:16). Сиз доимо Муқаддас Китобни ўқишингиз керак. Кунига камида учта боб ўқишни тавсия қиламиз.
3. **Ўрганинг.** Эзра ўзини «*Эгамиз берган Таврот китобини ўрганишга, унга амал қилишга, Тавротдаги қонун–қоидаларни Исроил халқига ўргатишга бағишлаган эди*» (Эзра 7:10). Муқаддас Китоб таълимотларини тушуниш ва солих ҳаёт кечиришни ўрганиш учун уни диққат билан ўрганинг, шарҳланг ва қўлланг (2 Тимўтий 3:16-17).
4. **Эслаб қолинг.** Йигит юрагида Муқаддас Китоб ҳақиқатларини сақлаб, пок қолади (Забури 118:11). Исо ёд олган Муқаддас Китоб оятларини айтиш орқали, Шайтоннинг васвасаларига қарши турди (Матто 4:4, 7, 10). Ҳафтада камида битта оят ёдлашни тавсия қиламиз. Тасдиқланган усул – оятни етти кун давомида кунига етти марта баланд овозда ўқинг.
5. **Фикр юритинг.** Худо Ёшуага кечаю кундуз Муқаддас Китоб устида мулоҳаза юритишни буюрди (Ёшуа 1:8). Забурнинг 1-саносида айтилишича, Муқаддас Китоб устида мулоҳаза юритишнинг натижаси – самарали ва мўл-қўл ҳаётдир. Фикр юритиш Муқаддас Китобни ҳаётингизга қандай татбиқ этиш ҳақида яхшилаб ўйлашни англатади. Фикрлаш ва эслаб қолиш ўзаро боғлиқдир.
6. **Қўлланг ва бажаринг.** Худо Муқаддас Китобни ҳаётингизни ўзгартириш учун берган. Агар сиз Муқаддас Китоб ҳақиқатларидан фойдаланмасангиз, унда Ёқубга кўра сиз ўзингизни алдаяпсиз (Ёқуб 1:22-25).

Сизнинг қўлингиз ушбу олти усулни ёдлаб олишга яхши кўргазма бўлади. Бармоқлар Муқаддас Китоб билан ишлаш усуллари, кафт эса итоаткорликни англатади. Агар сиз ушбу олти нарсани бажарсангиз, Муқаддас Китобни маҳкам ушлай оласиз!

Асосий Ҳақиқат: МАСИХИЙ ҲАЁТНИНГ ВА ХИЗМАТНИНГ АСОСИ-МУҚАДДАС КИТОБНИ ТУШУНИШ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИШДИР.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]



**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 9 БЕКАТ – ГУНОҲНИ ТАН
ОЛИШ ВА БОШҚАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ**

3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ҶСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз Масихга бўлган севги ва садоқатда ўсдингизми? Қандай қилиб?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

1 Юҳанно 1:5-9 ни овоз чиқариб ўқинг ва куйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

1 Юҳанно 1:5-9 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Худо билан муносабатни сақлаш учун нима қилиш керак?
7. Сиз ҳозир тан олишингиз керак бўлган аниқ гуноҳлар борми?

[Кейинги бетдаги **9 ҚЎЛЛАМНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

1 Юҳанно 1:5-9 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН» _____ »

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 9 ҚЎЛЛАНМА – ГУНОҲНИ ТАН ОЛИШ ВА БОШҚАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Худо билан ва бошқа имонлилар билан мулоқот қилиш жуда муҳимдир. 1 Бутрус 3:18 да айтилишича, Масих **Худо билан муносабатингизни** тиклаш учун ўлди. Исо: *«Агар бир-бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканлигингизни ҳамма шундан билиб олади»* деган (Юҳанно 13:35). Исо дунёга, сиз У билан ва бир-бирингиз билан бўлган муносабатингизга қараб, Унинг издошларисиз ёки издошлари эмаслигингизни ҳукм қилиш ҳуқуқини беради.

1 Юҳанно 1:5-10 да иккита қарама-қаршилиқ келтирилган: 1) нурда юриш зулматда юришга қарши қўйилган; ва (2) гуноҳларни тан олиш гуноҳни инкор этишга қарши қўйилган.

НУРДА ЮРИШ

Худо муқаддас. Худо нур. У ҳеч қачон зулматда (гуноҳда) бўлмаган, чунки зулмат ёруғлиқнинг йўқлигидир. Худо билан муносабатингиз сизнинг юриш-туришингиз билан белгиланади. Сизнинг Худо билан муносабатингиз сўзларингиз билан эмас, балки ҳаракатларингиз билан намоён бўлади (6-оят). Агар зулматда юрсангиз, Худо билан мулоқот қила олмайсиз. Худо нур бўлгани каби сиз ҳам нурда юрсангиз, нафақат Худо билан, балки бир-бирингиз билан ҳам яхши муносабатда бўласиз ва гуноҳларингиз кечирилади. Нурда юриш мукамалликни англатмайди. Бу руҳий стуклик томон ўсишни назарда тутди. Сиз баъзан зулматга ва гуноҳга борасиз, лекин сиз у ерда ҚОЛМАЙСИЗ. Сиз доим гуноҳларингизни тан олмасиз ва нурда юришга қайтасиз, бу сизни иккинчи қарама-қаршилиқка олиб келади.

ГУНОҲЛАРНИ ТАН ОЛИШ

Муқаддас Китобда аниқ шундай дейилган: *«Ахир, ҲАММА гуноҳ қилган ва Худонинг улугворлигидан маҳрумдир»* (Римликлар 3:23). Гуноҳларни тан олиш имонлиларни Худо ва бир-бирлари билан бўлган муносабатни тиклайди. Масихнинг қони шунчалар кучлики, У ҲАР ҚАНДАЙ гуноҳни кечири олади. Худо, Нур, шу қадар кучлики, У ҲАР ҚАНДАЙ зулматни енга олади. Доимий покланишга бўлган эҳтиёжингизни ҳеч қачон унутманг. Сиз ўзингизни солиҳ ва мағрур санаб, ўз тақводорлигингизга таянишингиз мумкин. Чўпонлар ва масихий етакчилар, нафақат гуноҳ қилишини, балки қачонлардир гуноҳ қилганини ҳам инкор этиш хавфига дуч келишлари мумкин. Чўпонлар ва жамоат аъзолари кечирим учун Масихнинг қонига таянадилар. Ҳар бир инсон ҳаётида камтар ва гуноҳга сезгир бўлиши керак. Худо сизни қутқарганидан, сизни КЕЧИРГАНИДАН ва ҳозирги гуноҳларингизни тан олсангиз, кечиришидан хурсанд бўласиз. Гуноҳни инкор этиш орқали *«Худони ёлгончига чиқарган бўламиз. Демак, Унинг каломи қалбимиздан жой олмаган бўлади»* (1 Юҳанно 1:10). Сиз мунтазам равишда гуноҳларингизни тан олишингиз керак (гуноҳларингизга нисбатан Худо билан рози бўлинг).

ОҚИБАТЛАРИ

Худо билан ва бир-биримиз билан бўлган муносабат қувончга тўлади, ҳаётимизда ва хизматимизда марказий ўринни эгаллайди. Бу муносабатни йўқ қилиш ўзимизни йўқ қилиш демакдир. Агар сиз ҳақиқатга амал қилмасангиз, бошқалар сизга ишонмайди ва Масих ҳақидаги гувоҳлигингизга қулоқ солмайди. Гуноҳларни очиқ эътироф этиш – ҳар бир жамоа йиғилишида РУҲИЙ ЎСИШ САВОЛЛАРИНИ сўраш ва уларга тўғри жавоб бериш жуда муҳим эканини тушунтиради. Худо олдида ва бир-бирингиз олдида масъул бўлганингизда, Худонинг иноятида ўсасиз ва Худо билан мулоқот қилиш қувончини ҳис қиласиз.

Агар Худо олдида ўз гуноҳларингизни очиқ тан олсангиз, У сизни содиқлик билан кечирилади. Фақат Худонинг кечирими орқалигина сиз бошқаларни кечиришни ва севишни ўргана оласиз. Дунёдагилар гуноҳларингизга нисбатан қандай муносабатда эканлигингизни кузатиб турибди. Одамлар сиз кечирилганингиздек кечири олмасизми, бир-бирингизни севасизми, деб кузатиб туришади. Бутун дунё Худо билан ва бир-бирингиз билан мулоқот қилишдан роҳатланасизми ёки йўқлигини кузатмоқда. ДУНЁ КУЗАТИБ ТУРИБДИ. СИЗ НИМАНИ КЎРСАТЯПСИЗ?

Асосий Ҳақиқат: МУНТАЗАМ ГУНОҲЛАРНИ РАВИШДА ТАН ОЛИШ ХУДО ВА БОШҚА ИМОНЛИЛАР БИЛАН БЎЛГАН МУНОСАБАТНИ САҚЛАЙДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 10 БЕКАТ– ЕТУК ВА КЎПАЯДИГАН ШОГИРДЛАР
ТАРБИЯЛАШ**

3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ

4 ҚАРАШ – 10 САВОЛ

15 БЕКАТ

ОРҚАГА ҚАРАШ (6-бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз ўзингизни **назорат** қилиб, **молиявий ишларингизда Масиҳни ҳурмат** қилдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Марк 1:16-17 ва **Колосаликлар 1:28-29** ни овоз чиқариб ўқинг ва куйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Марк 1:16-17 ва **Колосаликлар 1:28-29** ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг:

6. Етук ва кўпаядиган шогирдларнинг кўринишини тасвирлаб беринг.
7. Бошқа имонлилар Исонинг етук издошлари бўлишига ёрдам бериш учун, сиз қандай бўлишингиз ва нима қилишингиз керак?

[Кейинги бетдаги **10 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Марк 1:16-17 ва **Колосаликлар 1:28-29** ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг:

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 10 ҚЎЛЛАНМА – ЕТУК ВА КЎПАЯДИГАН ШОГИРДЛАР ТАРБИЯЛАШ

Масихнинг буюк топшириғи аниқ: «Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириглар» (Матто 28:19). Фақат хушхабар айтиш етарли эмас. Сиз кўпаядиган ва улар ўз навбатида бошқа шогирдларни тайёрлайдиган шогирдларни тайёрлашингиз керак. Шогирдлар кўпайганда, янги жамоатлар пайдо бўлади ва кўпаяди. Янги Аҳд шогирдларнинг ўсиши ва кўпайиши учун тўртта умумий ривожланиш даражасини очиб беради.

Биринчи босқич – одамни Исога ишонишга олиб келиш. Шогирд, биринчи навбатда, **имонли** (1 Юҳанно 5:11; 1 Салоникаликлар 1:7-8). Аммо, афсуски, кўпинча шу ерда тўхтаб қоласиз. Сиз кўпинча одамларни Масихга имон келтиришга ундайсиз, кейин уларни жамоатга қўшилишга таклиф қиласиз, лекин улар билан деярли шуғулланмайсиз. Энди имонга келганлар – ўсиш учун алоҳида ғамхўрликка муҳтож Масихдаги гўдаклардир (1 Коринфликлар 3:1-2; 1 Бутрус 2:2)! Бу босқичда улар билан **ВАҚТ ЎТКАЗИШ**, уларнинг ўсишига ёрдам бериш жуда муҳимдир. Исо Унга ишонган илк шогирдларига нисбатан айнан шундай ҳаракат қилган (Юҳанно 1:35-42).

Иккинчи босқичда имонлига Масихнинг издошлари бўлишга ёрдам берасиз (Марк 1:17; Юҳанно 1:43; Колосаликлар 2:6-7). Масихнинг издоши қуйидаги асосий ҳақиқатларни тушунади ва қабул қилади: нажот топганига амин бўлиш; Муқаддас Китобни қандай ўқиш ва тушуниш; Муқаддас Рух билан қандай муносабатда бўлиш; сувга чўмиш ва жамоатнинг аҳамияти; гуноҳларни қандай тан олиш керак; қандай ибодат қилиш. Бунда сизга **СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИ** ёрдам бериши мумкин. **Уларга буларни қандай бажаришни кўрсатиш** ҳам муҳимдир. Имонлилар ҳақиқатни сиз қандай бажараётганингизни кўришлари керак. Шундай қилиб, ушбу босқичдаги вазифангиз Масихга қандай эргашишни **КЎРСАТИШДИР** (1 Коринфликлар 11:1-2; 2 Тимўтий 3:10-11). Исонинг шогирдлари Унинг қандай ибодат қилишини, гувоҳлик айтишини, касал ва камбағалларга ғамхўрлик қилишини **ва** Муқаддас Китобни ўргатишини кузатиш орқали ўрганишган. Худди шундай, сиз ҳам бошқаларга Масихда қандай яшашни ва Унга хизмат қилишни ўргатишингиз ва кўрсатишингиз керак.

Учинчи босқич Масихнинг издошига Унинг **хизматкори** бўлишга ёрдам беради (Ефесликлар 4:12). Исо шогирдларига шундай деган: «Ортимдан юринглар. Мен сизларга одамларни овлашни ўргатаман» (Марк 1:17). Издош Масих учун одамларни «овлайди». **Барча** издошлар Хушхабар айтишга ва янги масихийларга Масихда ўсишига ёрдам беришга ўргатилган бўлиши керак. Уларга **СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХУШХАБАР АЙТИШ ВА ШОГИРДЛИК ВОСИТАЛАРИДАН** қандай фойдаланишни ўргатинг ва кўрсатинг. Ефесликлар 4:12 да айтилишича, издошлар хизмат қилишга, яъни бошқаларни севишга ва уларга хизмат қилишга тайёр бўлишлари керак. Уларга сиз **билан бирга хизматга боришни** таклиф қилинг. Сизнинг вазифангиз издошларни кузатиш ва ўргатиш пайтида уларга хизмат вазифаларини **ТОПШИРИШДИР** (Матто 10; Луко 10).

Шогирд орттиришнинг **Тўртинчи босқичи** хизматчига **кўпайишда** ёрдам беришдир (Матто 9:36-37; 28:18-20; Юҳанно 15:5, 16). Кўпайиш сизнинг мақсадингиз. Ҳақиқий шогирдлик сиз ўргатаётган шогирдлар бошқаларга таълим бера бошлагандагина амалга ошади (2 Тимўтий 2:2). Сиз уларни қўллаб-қувватлашда ва ёрдам беришда давом этасиз, аммо энди улар бошқа шогирдларни тарбиялаш учун **тўлиқ жавобгардирлар**. Сиз орқали Масихга имон келтирган одамлар бошқа шогирдлар орттиришни ва янги жамоатлар қуришга ёрдам беришни бошлагандагина муваффақият қозонасиз (Хаворийлар 6:1, 7). Сизнинг асосий ролингиз шогирдлар **КЎПАЙТИРИШДИР**. Сиз нафақат **ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТДА** иштирок этишингиз, балки ушбу материалдан фойдаланиб **бошқаларни ўргатишингиз ҳам** муҳимдир.

Сиз **имонлилар издош** бўлиши учун, кейин **хизматчи** бўлиши учун, ундан кейин **кўпаяувчи** хизматчи бўлиши учун ибодат қилиб, меҳнат қиласиз. (Колосаликлар 1:28-29). Бироқ, бу босқичлар кетма-кет содир бўлмайди. Буларнинг **барчаси бир вақтнинг** ўзида содир бўлади. Янги имонга келганлар ўсиши билан уларга хизмат қилиш ва кўпайишни бошлашга ёрдам беринг! Ушбу жараён такрорланар экан, ҳаракат тез орада бутун шаҳарни, мамлакатни ва минтақани қамраб олади ва Буюк Топширик бажо бўлади.

Асосий Ҳақиқат: СИЗНИНГ МАҚСАДИНГИЗ – ИШОНУВЧИ, ЭРГАШУВЧИ, ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ВА КЎПАЮВЧИ ЕТУК ШОГИРДЛАР ТАРБИЯЛАШДИР.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 11 БЕКАТ –
МУҚАДДАС РУҲГА ТЎҒРИ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ҶСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ҳафтада жинсий фикрлар ва ҳаракатлар, шунингдек, қўлликнинг ҳар қандай кўринишлари устидан ўзингизни назорат қилдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 1:8 ва **Галатияликлар 5:16-22** ни овоз чиқариб ўқинг ва куйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 1:8 ва **Галатияликлар 5:16-22** ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Муқаддас Рух Масих учун яшашингиз ва Унга хизмат қилишингиз учун қандай ёрдам бермоқда?
7. Муқаддас Рухнинг кучида қолиш учун нима қилиш керак?

[Кейинги бетдаги **II ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Ҳаворийлар 1:8 ва **Галатияликлар 5:16-22** ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН» _____ »

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 11 ҚЎЛЛАНМА – МУҚАДДАС РУҲГА ТЎҒРИ
МУНОСАБАТДА БЎЛИШ**

Худо сизда яшовчи Муқаддас Рухнинг воситачилиги орқали Исо Масиҳ билан фаол шахсий муносабатга эга бўлишингизни хоҳлайди (Римликлар 8:9-14). Худо ўз кучингиз билан Унга эргашишингизни ва Унга хизмат қилишингизни хоҳламайди. Сиз тобора Масиҳга ўхшаб боришингиз, Унинг кучида Унга хизмат қилишингиз учун Худованд сизга Ўз Рухини берди. Агар сиз Муқаддас Рухда бўлсангиз, Худо шундай қилади (Галатияликлар 5:16). Бу аниқ нимани англатади?

Биринчидан, Муқаддас Рух сизга тасалли беради ва далда беради (Юҳанно 14:15-21). У Сизнинг маслаҳатчингиз. У юрагингизда ва онгингизда тасалли беради. Унинг тасаллисини ҳис қилиш учун Унинг амрларини **бажариш керак** (Юҳанно 15:14-15).

Иккинчидан, Муқаддас Рух сизни ҳақиқатга йўналтиради (Юҳанно Муқаддас Китобни 16:12-15). У биринчи навбатда ҳаворийларни Худонинг Каломини бўлмиш Муқаддас Китобни ёзишга **илҳомлантирган**. У Муқаддас Китоб сўзлари орқали сизга Ўзининг ҳақиқатини **ёритади** (тушунарли қилади) (Эфесликлар 1:17-18). **Муқаддас Рухнинг овозини тинглаган ҳолда** Муқаддас Китобни ўқишингиз керак. **Ўқиётганингизда: «Раббим, мен билан гаплаш» деб ИБОДАТ қилинг.**

Учинчидан, Муқаддас Рух сизда Исонинг ҳаётини яратади (2 Коринфликлар 3:18). Сиз Исога ишонганингизда, Унинг Рухи сизнинг руҳингизда яшаш учун келди (2 Коринфликлар 5:17). Бироқ, янгидан туғилиш Масиҳда етук эканлигингизни англатмайди. Муқаддас Рух аста-секин сизнинг феъл-атворингизни Исога ўхшатиб ўзгартиради. Бу Муқаддас Рухнинг меваси (Галатияликлар 5:22-23). Агар **ҳар куни Унга «Ҳа»** деб, тана истакларига «йўқ» дейишни **танласангиз**, У шундай қилади.

Тўртинчидан, Муқаддас Рух сизга Ўзи хоҳлаган нарсани қилишга ва айтишга ёрдам беради (Римликлар 8:14; Галатияликлар 5:21; Филиппиликлар 2:12-13). У сизни Унга ёқадиган истаклар ва ҳаракатларни қилишга ундайди. У юрагингиз ва онгингизга гапиради, лекин эҳтиёт бўлишингиз керак, чунки шайтон ва жинлар ҳам фикрларингизга таъсир қила олишади. **Унинг майилларига доим эътиборли бўлинг, лекин ушбу майиллар Муқаддас Китобга мос келишига доим ишонч ҳосил қилинг.**

Бешинчидан, Муқаддас Рух сиз орқали бошқаларни тавбага олиб келади ва маслаҳат беради (Юҳанно 15:26-27; Ҳаворийлар 1:8; 1 Бутрус 4:10-11). Бу ғайритабиий ишни сиз ўз кучингиз билан қила олмайсиз, лекин бошқаларга гувоҳлик айтганингизда, Муқаддас Рух кўп одамларни Масиҳга имон келтиришга ундаши мумкин. У бошқа имонлилар имонда ўсишига ёрдам бериш учун сизга берилган руҳий инъомлардан фойдаланади. Шунинг учун, **бошқаларга Исо ҳақида айтиб бериш орқали Муқаддас Рух билан бирга ҳаракат қилинг ва У сиз орқали ҳаракат қилишини ва бошқаларнинг ўсишига ёрдам беришини кутинг.**

Исо Муқаддас Рухни тасалли бериш, ўргатиш, ўзгартириш, йўл-йўриқ бериш ва бошқаларни тавбага олиб келиши учун берди. Агар сиз ҳар куни ва доимий равишда Муқаддас Рух билан ўзаро муносабатда бўлсангиз ва У билан яшасангиз, қувончли ва самарали Масиҳий ҳаётга эга бўласиз.

Асосий Ҳақиқат: ХУДО МУҚАДДАС РУҲНИ У БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАДА БЎЛИБ, СИЗГА ВА СИЗ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН БЕРДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 12 БЕКАТ – БОШҚАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ

4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР

15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ой ХИЗМАТ ХАРИТАНГИЗГА кимларни қўшдингиз?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 1:2-3,14; 3:10-17 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг:

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 1:2-3,14; 3:10-17 ни яна ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Худо бошқаларнинг етук шогирд бўлишига ёрдам бериш учун қандай «воситалар» дан фойдаланади?
7. Раббий ҳозир қайси икки кишига таълим беришингизни хоҳлайди?

[Кейинги бетдаги **12 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 1:2-3,14; 3:10-17 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **намоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН» _____ »

9. БУ ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 12 ҚЎЛЛАҢМА – БОШҚАЛАРГА ТАЪЛИМ
БЕРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Сизнинг чакирувингиз шогирдларни кўпайтиришдир, бу эса жамоатларнинг кўпайишига олиб келади. Сиз Хушхабар айтганингизда, баъзи одамлар Масихни ўзининг Нажоткори сифатида қабул қилишади. Уларнинг етук ва кўпаядиган шогирд бўлиб етишишига ёрдам бериш муҳимдир. Уйда, мактабда, ишда одамларни олдига боринг. Янги имонлиларга алоҳида ёки 3-5 кишидан иборат гуруҳларда таълим беринг. Иложи бўлса, янги имонга келганларни Масихга имон келтирганидан кейин 48 соат ичида йўқлаб боринг. Иложи бўлса, ҳеч бўлмаганда Юҳанно Хушхабарини совға қилинг. Юҳанно Хушхабаридан олинган 4 та мавзу/4 та учрашув кўрсатмаларидан фойдаланинг; улар *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИДА* мавжуд. Биринчи учрашувдан сўнг, дастлабки тўртта асосий учрашувни тугатмагунингизча, ҳафтада камида бир марта учрашишни режалаштиринг.

Кейинги Муҳим ҳаракатлар ва *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИ*

Янги имонга келганларга етук ва кўпаядиган шогирд бўлишга ёрдам бериш учун Муқаддас Китобни ўрганишдан кўра кўпроқ нарса керак! Қуйида бошқаларга таълим беришнинг асосий воситалари келтирилган:

1. **Муқаддас Китоб** – бошқаларга таълим беришда фойдаланадиган энг муҳим «ўқув дастури» дир (2 Тимўтий 3:16-17)!
2. Янги имонга келганлар учун, шунингдек биргаликда ҳам содиқлик билан **ибодат қилинг** (Эфесликлар 1:15-23).
3. Янги имонлиларни Масихга ўхшаб ўзгариш учун **Муқаддас Рухга** ишонишга унданг (2 Коринфликлар 3:17-18).
4. **Сиз!** Сизнинг янги имонга келганларга кўрсатган таъсиригиз жуда катта аҳамиятга эга. Муқаддас Китобни биргаликда ўрганишдан ташқари, янги масихийлар билан норасмий шароитда вақт ўтказинг. Бошқаларга Хушхабар айтиш учун уларни ўзингиз билан бирга олиб боринг. Кундалик ҳаётигизда Исога эргашаётганингизни «кўришингиз» (2 Тимўтий 3:10-11).

Дастлабки тўртта учрашувдан сўнг, сиз учрашган инсонларингиздан яна 20 та учрашув ўтказишга рози бўлишларини сўранг. (1) Муқаддас Китобни ўрганиш ва Исога қандай эргашини ўрганиш орқали уларга шогирдларини кўпайтиришга ёрдам беринг (**ўсингиз**); (2) уларга Исо ҳақида бошқаларга қандай айтиб бериш мумкинлигини кўрсатинг (**гувоҳлик**); (3) бошқаларни ўргатиш учун уларни ушбу воситалардан фойдаланишга рағбатлантиринг (**кўпайтириш**).

Учрашув давомида асосий 5 босқичли жараёнга риоя қилинг

1. **МУЛОҚОТ:** Уларнинг аҳволини ва охириги учрашувдан бери нималар бўлганини сўранг.
2. **РАҒБАТЛАНТИРИШ: РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ** беринг ва уларга жавоб беринг (Галатияликлар 5:22-23 асосида):
Бу ҳафта...
 - А. Сиз Муқаддас Рухга бўйсундингизми ва Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қолдингизми?
 - Б. Сиз оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманлари билан бўлган муносабатларингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечирим кўрсата олдингизми?
 - В. Сиз Масихга бўлган севги ва садоқатда ўса олдингизми? Қандай қилиб?
 - Г. Сиз ўзингизни назорат қилиб, молиявий ишларингизда Масихни ҳурмат қилдингизми?
 - Д. Жинсий фикрингизни ва ҳаракатларингизни, шунингдек, қуллиқнинг ҳар қандай кўринишлари устидан ўзингизни назорат қилдингизми?
 - Е. Нажот топмаганларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми ва бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?
 - Ё. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. **МУҲОКАМА ҚИЛИШ:** Учрашув мавзусига оид Муқаддас Китоб парчасини **6 та савол форматидан** фойдаланиб ўқинг ва муҳокама қилинг (*СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИ* тасвирланганидек).
4. **РЕЖА:** Муқаддас Китобнинг бир қисмини ҳафта давомида ўқишга рози бўлинг (қунига 3 та боб тавсия этилади).
5. **ИБОДАТ:** Бир-бирингиз учун, шунингдек 5-6 чи саволлар асосида қабул қилинган мажбуриятлар учун биргаликда ибодат қилинг.

Асосий Ҳақиқат: БОШҚАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ УЧУН МУҲИМ ВОСИТАЛАР – МУҚАДДАС КИТОБ, ИБОДАТ, МУҚАДДАС РУҲ ВА СИЗ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШ» мавзусини муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

ЭСЛАТМА: *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРД ОРТТИРИШ ВОСИТАСИНИНГ* тўлиқ нусхаси 49-50 саҳифаларда мавжуд. Хушхабар айтишда фойдаланиш учун (ўз ҳисобингиздан) чекланмаган миқдорда кўчирмасидан қилиб олишингиз мумкин.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
12 БЕКАТ УЧУН ВОСИТА – СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ
БЎЙИЧА ШОГИРД ОРТТИРИШ ВОСИТАСИ

Учрашув давомида асосий 5 босқичли жараёнга риоя қилинг

1. **МУЛОҚОТ:** Уларнинг аҳволини ва охириги учрашувдан бери нималар бўлганини сўранг.
2. **РАҒБАТЛАНТИРИШ: РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ** беринг ва уларга жавоб беринг (Галатияликлар 5:22-23 асосида):

Бу ҳафта...

- а. Сиз Муқаддас Рухга бўйсундингизми ва Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қолдингизми?
 - б. Сиз оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманлари билан бўлган муносабатларингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечирим кўрсата олдингизми?
 - в. Сиз Масихга бўлган севги ва садоқатда ўса олдингизми? Қандай қилиб?
 - г. Сиз ўзингизни назорат қилиб, молиявий ишларингизда Масихни ҳурмат қилдингизми?
 - л. Жинсий фикрингизни ва ҳаракатларингизни, шунингдек, қўлликнинг ҳар қандай кўринишлари устидан ўзингизни назорат қилдингизми?
 - е. Нажот топмаганларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми ва бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?
 - ё. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «**МЕН БАЖАРАМАН**» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. **МУҲОКАМА ҚИЛИШ:** Учрашув мавзусига оид Муқаддас Китоб парчасини **6 та савол форматидан** фойдаланиб ўқинг ва муҳокама қилинг (**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ**нинг **ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИДА** тасвирланганидек).
- а. Муқаддас Китобга асосланган саволларни биргаликда муҳокама қилишда ҳамма ўзини қулай ҳис қилаётганига ишонч ҳосил қилинг. [**ЭСЛАТМА:** Ҳозир ваъз айтиш пайти эмас. Сиз **янги имонга келганларга** Муқаддас Китобни ўрганишларига ва ўз ҳаётларида қўллашларига ёрдам берасиз.]

6 САВОЛЛАР

Парчани овоз чиқариб ўқинг.

Қуйидаги саволларни **муҳокама қилинг:**

1. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
2. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

Кимдир ушбу парчани яна овоз **чиқариб ўқиб берсин.**

Қуйидаги иккита саволни **муҳокама қилинг:**

3. Ушбу парчадаги одамлар ҳақида нима билиб олдингиз?
4. Ушбу парчадан Худо ҳақида нима билиб олдингиз?

Кимдир парчани **УЧИНЧИ МАРТА** овоз чиқариб ўқиб берсин.

Иккита якуний саволни **муҳокама қилинг:**

5. Ушбу парчадан ўрганганларим туфайли, бу ҳафта **МЕН ... БАЖАРАМАН**. Келаси ҳафта давомида итоаткорлик билан ҳаракат қилиш учун жавобгарлик олинг. Аниқ бўлинг. (**ЭСЛАТМА:** Жавобларингизни ёзинг ва уларни кейинги учрашувда муҳокама қилишни бошланг.)

6. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва / ёки ушбу материалдан фойдаланиб кимни ўргатасиз? (**ЭСЛАТМА:** Бирор кишини чақириб, кимга ва қачон Исо ҳақида айтиб беришини сўранг. Учрашиб, гаплашмоқчи бўлганлар одамларнинг исмларини ёзиб олинг ва кейинги учрашувни ўша одамдан бошланг.)

б. **Учрашув 1** мавзуси – «Исо ким?» Муқаддас Китоб парчаси – Юҳанно 11:17-27.

в. Биринчи учрашув сўнгида сиз ва янги имонга келган одам **бир хил Муқаддас Китоб парчасини уч марта** овоз чиқариб ўқийсиз.

г. Иккалангиз ҳам Муқаддас Китоб парчаси ҳақида фойдали маълумот бериши керак бўлган **биринчи тўртта саволга жавоб берасиз.**

д. Иккалангиз ҳам ўрганганларингизни **амалда қўллашга**, шунингдек, аниқ бир одамга **Исо ҳақида айтиб бериш** мажбуриятини ўз зиммангизга оласиз.

е. **Кейинги учрашганингизда**, 5 чи саволдаги «Мен бажараман» ва 6 чи саволдаги Хушхабар ҳақидаги мажбуриятларнинг **бажарилганини** бирга текширишни унутманг.

ё. **Асосий учрашувлар** контекстида кўриб чиқилиши керак бўлган учта мавзу ва учта Муқаддас Китоб парчалари мавжуд. Шуни эсда тутиш керакки, мақсад янги имонга келган одам Исо ва бошқа имонлилар билан муносабатда ўсиб бораётиб, Муқаддас Китобни ўқиш, тушуниш ва ўзи учун қўллашни ўрганишидир.

ж. Тўртта **асосий учрашувдан** сўнг, янги имонлининг муваффақиятини баҳолаш ва **ўсиш учрашувларига** ўтиш ҳақида қарор қабул қилиш яхши бўлар эди. Агар янги имон келтирганлар йиғилишларда қатнашиб, ҳафталик мажбуриятларини ошириб, Исо ҳақида бошқаларга айтаётган бўлса, уларни жамоатга олиб келишингиз ва етукликка ўргатишда давом этишингиз керак.

4. **РЕЖА:** Ҳафта давомида Муқаддас Китобнинг бир қисmini ўқишга рози бўлинг (қунига 3 боб тавсия этилади).

а. Қандай ўқишни билмайдиганларга ёки ўқиши қийин бўлганларга эътиборли бўлинг.

б. Иложи бўлса, бошқа қулай йўл кўрсатинг – аудио Муқаддас Китоб.

в. Кейинги учрашувда муҳокама қилиш учун 5 чи ва 6 чи Саволларга жавоб ёзишни унутманг.

г. Кейинги ўқув учрашувингизни режалаштиринг.

д. Янги имонлилардан қайси бири ҳақиқатан ҳам ўрганишга ҳаракат қилаётганини – уйда ўқишини, Масих ҳақида кўпроқ билишга тайёр эканини ва Масих ҳақида бошқаларга айтишга тайёр эканини кузатинг. **АЙНАН ШУ** одамлар билан дастлабки тўртта учрашувдан кейинги машғулотларни давом эттиришингиз керак.

5. **ИБОДАТ:** Бир-бирингиз учун, шунингдек 5 -6 чи саволлар асосида қабул қилинган мажбуриятлар учун биргаликда ибодат қилинг.

АСОСИЙ УЧРАШУВЛАР

Учрашув 1: Исо ким?

Юҳанно 11:17-27

Учрашув 2: Худо севгисини тушуниш.

Юҳанно 3:16-18

Учрашув 3: Ўз нажотига амин бўлиш.

Юҳанно 10:27-30

Учрашув 4: Исо билан бирга бўлиш.

Юҳанно 15:1-11

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 13 БЕКАТ – ИСОНИНГ ҲУКМРОНЛИГИ
 3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ҶСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ҳафтада Муқаддас Рухга бўйсундингизми ва Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қолдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Марк 8:27-38 ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Марк 8:27-38 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг...

6. Исонинг: «Сизлар—чи, Мени ким деб биласиз?» деган саволига сизнинг жавобингиз қандай?
7. Айнан қай тарзда Исо ва Хушхабар учун ўзингиздан воз кечишингизни тасвирлаб беринг.

[Кейинги бетдаги **13 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Марк 8:27-38 ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг...

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қай тарзда **номоён қиласиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга таълим берасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 13 ҚЎЛЛАНМА – ИСОНИНГ ҲУКМРОНЛИГИ

Исо шогирдларига (ва барча имонлиларга) иккита муҳим саволни берди (Марк 8:27-38). Бу саволларга берган жавобингиз **абадиятдаги тақдирингизни** ва **ҳозирги устулигингизни** аниқлайди.

Биринчи савол Исо аслида ким эканлиги билан боғлиқ. Унинг ердаги ҳаёти давомида одамлар У ҳақида турли фикрларга эга бўлдилар. Баъзилар уни Яхё Чўмдирувчи ёки Илёс ёки бошқа пайғамбарлардан бири деб ишонишган. Бугунги кунда кўп одамлар Исони буюк диний устоз ёки ахлоқий намуна деб билишади. Лекин Исо: **«Сизлар—чи, Мени ким деб биласиз?»** деб сўрамоқда (29 оят). Ягона мақбул жавоб Бутруснинг жавобидир: **«Сиз Масихсиз.»** Бутруснинг эътирофи Исонинг Масих эканини, инсон бўлиб, бизнинг гуноҳларимиз кечирилиши учун ўлган, ноёб ва ягона абадий Худонинг Ўғли эканини тасдиқлайди. У ҳар бир инсонни ҳукм қилиб, абадий ҳукмронлик қилиш учун ер юзига қайтиб келадиган, ўлимдан қайта тирилган Раббийдир. Сизнинг абадиятингиз Исони ким деб ҳисоблашингизга боғлиқ.

Иккинчи муҳим савол Исо Бутруснинг эътирофидан кейин тушунтирган таълимотда мавжуд. Исо Ўзининг азоб чекишини, ўлишини ва қайта тирилишини башорат қилади. Кейин Уни тинглаганларнинг барчасига кўрсатма беради:

«Кимда—ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини қўтариб, ортимдан юрсин. Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун ва Хушхабар учун жонини берса, жонини асраб қолади. Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса—ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?! Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?! Бу бевафо ва гуноҳкор насл орасида Мендан ва Менинг сўзларимдан уялманглар! Акс ҳолда, Инсон Ўғли муқаддас фаришталар билан бирга Отасининг улугворлигига бурканиб келганда, У ҳам сизлардан уялади» (Марк 8:34-38)

Шундай қилиб, **иккинчи** савол: **«Сиз ҳаётингизни кимга ёки нимага бағишламоқчисиз?»** Сизда фақат иккита йўл бор: ё худбин истакларингиз учун яшаб, гуноҳкор ёвуз дунё тақлиф қиладиган ҳамма нарсага эга бўласиз; ёки Масих ва Хушхабар учун ҳаётингиздан воз кечасиз.

Гарчи ўз манфаатларингиз учун яшаш ва ҳамма нарсага эга бўлиш яхшироқ деб ўйлаш табиий бўлса-да, Исо бу нарса охир-оқибат руҳингизни, руҳий табиатингизни «йўқотиш» га олиб келади, дейди. Сиз шунчаки вақтинчалик мавжудотлар эмассиз. Сизлар, биринчи навбатда, Яратувчи ва Унинг мақсадлари учун яратилган абадий руҳий жонларсиз.

Энг яхши танлов Исо Масих ва Хушхабар учун яшашдир. Унга жасорат билан эргашсангиз ва Хушхабар айтиш учун яшасангиз, Исо қайтиб келганида Уни макташ ва мукофотлаш учун яратилган қувончли руҳий табиатга эга бўласиз (38-оятга қаранг).

Асосий Ҳақиқат: ХУДОНИНГ АБАДИЙ ЎҒЛИ ИСО МАСИХ УЧУН ВА ХУШХАБАР УЧУН ШАХСИЙ МАНФААТЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ЯХШИ ҲАЁТГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ»НИ муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 14 БЕКАТ – ХУДО БИЛАН СОКИН ВАҚТ ЎТКАЗИШ**
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Сиз оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшнилари ва душманлари билан бўлган муносабатларингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечирим кўрсата олдингизми?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

Марк 1:21-39 ва **Лука 5:15-16** ни овоз чиқариб ўқинг ва қуйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

Марк 1:21-39 ва **Лука 5:15-16** ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг.

6. Нима учун Исо Унинг Отасига вақт ажратишни сиз учун биринчи ўринга қўйган деб ўйлайсиз?
7. Худо билан сокин вақт ўтказишни биринчи ўринга қўйишингиз учун, нимани ўзгартиришингиз керак?

[Кейинги бетдаги **14 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

Марк 1:21-39 ва **Лука 5:15-16** ни қайта ўқинг ва муҳокама қилинг.

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қандай **кўрсатасиз?** Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта сиз Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Қунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН
БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – ҚЎЛЛАНМА 14 – ХУДО БИЛАН СОКИН ВАҚТ**

Ҳар куни Худо билан ёлғиз вақт ўтказиш сизнинг Масихга бўлган севги ва итоаткорлигининг ўсиши, фикрининг янгилиниши, мақсадининг бажаришда эътибор ва мотивацияга эга бўлишингиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Худонинг барча буюк одамлари, Муқаддас Китоб қаҳрамонлари, ҳамда тарихий шахслар шундай қилишган. Муқаддас Китобни ўқиш ва ўрганиш, ибодатда Худо билан мунтазам равишда вақт ўтказиш сизнинг Худонинг фарзанди ва хизматкори сифатида ўсишингиз учун жуда муҳимдир. Акс ҳолда, У хоҳлаган Худо билан муносабатнинг тўлиқлигидан баҳраманд бўлиш мумкин эмас.

Исо буни Ўз ҳаётида намуна қилиб кўрсатди. Агар гуноҳсиз ва қудратли Худонинг Ўғли учун мунтазам равишда Худо билан ёлғиз вақт ўтказиш муҳим бўлса, заиф, гуноҳкор ва муҳтож бўлган бизлар учун қанчалик муҳим бўлиши керак!

Сиз Исонинг хизматидаги «узун кун» ни (Марк 1:21-39) муҳокама қилдингиз, бу кун эрталаб У таълим берган ибодатхонада бошланди ва кечгача таълим бериш ва шифо бериш билан давом этди. Лекин эрта тонгда Исо Худо билан вақт ўтказиш учун ўрнидан турди; бу У учун ҳамма нарсадан устун эди. Луқа 5:15-16 каби бу парчада ҳам Исонинг тўртта принципи кўрсатилган:

1. У Отаси билан вақт ўтказиш, ибодатда бўлиш, ёд олган Муқаддас Китоб матнлари устида мулоҳаза юритишни ва эртанги кун учун йўл-йўриқ олишни биринчи ўринга қўйган.
2. У бу вақтни режалаштирган. У эрта тонгда турарди (Марк) ва ёлғизликда ибодат қилиш учун «кўпинча чиқиб кетарди» (Луқа).
3. У Отаси билан бирга бўлиш учун одамлардан узоқлашди.
4. У маълум бир жойга кетарди.

Агар Худо билан муносабатингиз тоза бўлишини ва Масихга хизматингиз самарали бўлишини истасангиз, Исодан ўрнак олишингиз керак. Бошқа фойдали амалиётларга қуйидагилар киради: ибодатлар, фикрлар ва Худодан келган сўзлар ёзилган кундалик юритиш; қўшимча рухий китобларни ўқиш; Раббийга сажда қилиш ва ҳамду-сано айтиш; рўза тутиш, ибодат ва мулоҳаза юритиш учун махсус вақт ажратиш.

Ёдингизда бўлсин, Худо билан ёлғиз вақт ўтказиш бошқаларга хизмат қилиш ёки таълим беришга тайёргарлик кўриш учун эмас, балки Худо билан бўлган муносабатингизни бойитиш учундир.

Асосий Ҳақиқат: АГАР СИЗ ХУДО БИЛАН БЎЛГАН МУНОСАБАТИНГИЗДА ЎСИШНИ ИСТАСАНГИЗ, ҲАР КУНИ ХУДО БИЛАН СОКИН ВАҚТ ЎТКАЗИШ МУҲИМ РОЛ ЎЙНАЙДИ.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 15 БЕКАТ –
МУҚАДДАС КИТОБНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК
3-5 ЖАМОА АЪЗОЛАРИ 4 ҚАРАШЛАР – 10 САВОЛЛАР 15 БЕКАТЛАР

ОРҚАГА ҚАРАШ (6 бетдаги *РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРНИ* кўриб чиқинг.)

1. Бу ҳафта сиз Масихга бўлган севги ва садоқатда ўсдингизми? Қандай қилиб?
2. Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
3. Нажот топмаганган одамларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми, бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?

[ЭСЛАТМА: Агар кимдир ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, олдинга қараб **ЮРМАНГ!** Кейинги **БЕКАТГА** ўтишдан олдин ҳар ким ўз мажбуриятларини бажариши керак. Агар бу тез-тез содир бўлса, 6 бетдаги материални кўриб чиқинг.]

ЮҚОРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ва **Эзра 7:10** ни овоз чиқариб ўқинг ва куйидаги саволларни биргаликда муҳокама қилинг.

4. Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима далда берди?
5. Нима ноаниқ ёки ноқулайлик туғдирди?

ИЧКАРИГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ва **Эзра 7:10** қайта ўқинг ва муҳокама қилинг

6. Муқаддас Китоб ҳақидаги тўғри билим, Муқаддас Китобни тушуниш ва уни қўллаш қандай натижалар беради?
7. Нима учун Муқаддас Китобни бутун умр ўрганиш муҳим деб ўйлайсиз?

[Кейинги бетдаги **15 ҚЎЛЛАНМАНИ** биргаликда ўқинг.]

ОЛДИНГА ҚАРАШ

2 Тимўтий 3:14-17 ва **Эзра 7:10** ни қайта овоз чиқариб ўқинг ва куйидаги саволларга жавоб беринг.

8. Ушбу оятлар асосида бу ҳафта итоаткорликни қандай **кўрсатасиз**? Аниқ бўлинг.

«МЕН БАЖАРАМАН _____»

9. Бу ҳафта сиз Исо ҳақида кимга айтасиз ва/ёки кимга йўл-йўриқ кўрсатасиз? (47-50-бетлардаги воситалар)

Исми: _____

Бу ҳафтада хушхабар айтиш ва шогирдлик бўйича **ЖАМОА** сифатида қандай қилиб бирга ишлашингиз мумкин?

10. Бу ҳафта ҳар куни Муқаддас Китобнинг қайси қисмини ўқийсиз? (Кунига 3 боб тавсия этилади.)

ИБОДАТ

Учрашув охирида бир-бирингизнинг эҳтиёжлари учун ибодат қилинг ва кейинги **БЕКАТГАЧА** ушбу муҳтожликлар бўйича Раббийга ибодат қилишда давом этинг.

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
БИРИНЧИ БОСҚИЧ– 15 ҚЎЛЛАНМА – МУҚАДДАС КИТОБНИ
ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК**

Сизнинг хизматингизнинг мақсади кўпаядиган шогирдларни 4-авлодга етиштиришдир (2 Тимўтий 2:2 га қаранг). Павлус Тимўтийга таълим берди, Тимўтий эса бошқаларга таълим берадиган содиқ одамларни тайёрлаши керак эди. Павлус фойдаланган энг самарали «воситалар»дан бири ўзи Исодан ўрганган ҳақиқатни Тимўтийга ўргатиш эди (2 Тимўтий 1:13-14; 2:2, 15; 3:10, 14 ни ўқинг).

Павлус Тимўтийни «Муқаддас битиклар» орқали ўргатилган нарсаларга риоя қилишга ундаган (2 Тимўтий 3:14-15). Кейин у шундай деб тушунтирди: *«Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим ва танбеҳ бериш, хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир. Битиклардаги ўғитлар бўйича яшаган Худонинг қули ҳар қандай яхши иш қилишга қобил бўлиб, тайёр туради.»* (16-17 оятлар).

Агар сиз Худога маъкул келадиган етук инсонлар бўлишни истасангиз, Муқаддас Китобни **билишингиз, тушунишингиз ва ҳаётингизда қўллашингиз** керак. Агар шогирдларингиз кўпайишини истасангиз, уларнинг ўсиши ва Худонинг етук халқи бўлишига ёрдам бериш учун Муқаддас Китобдан фойдаланишингиз керак. Эзра яхши намуна бўла олади. У *«бутун ҳаётини Эгамиз берган Таврот китобини ўрганишга, унга амал қилишга, Тавротдаги қонун–қоидаларни Исроил халқига ўргатишга бағишлаган эди»* (Эзра 7:10).

Ҳар бирингиз Муқаддас Китобни ўрганиш маҳоратини ривожлантиришингиз керак. Бу маҳорат сизга Муқаддас Китобни тушунадиган, у билан яшайдиган ва бошқаларга ўргатадиган доимий «шогирд» бўлишингизга ёрдам беради.

Муқаддас Китобни ўрганишдаги **учта асосий қадам:**

1. Сиз Муқаддас Китобда ёзилганларни **кўра олишингиз** керак. Бу ёзилганларни диққат билан **қузатишдир**. Эътиборсиз бўлиш ва Муқаддас Китоб муаллифлари нима ҳақида ёзганини аниқ кўрмаслик осон. Матнни қузатиш – унда ёзилган нарсаларни кўриш учун диққат билан, қайта-қайта ўқишни ва унга бошқа ғояларни киритмасликни англатади.
2. Сиз Муқаддас Китобнинг маъносини **тушунишингиз** керак, яъни ёзилганларни тўғри **талқин қилишингиз керак**. Муқаддас Китобни тўғри талқин қилиш, муаллифнинг маълум бир вақтда маълум одамлар билан гаплашган матнда назарда тутган асл маъносини тушунганингизда юзага келади.
3. Сиз Муқаддас Китоб таълимотини **қўлланишингиз** керак. Бу ёзилганларга **амал қилишни** англатади. Муқаддас Китобни ўрганишдаги энг муҳим қадам ушбу парчани ҳаётингизда қандай **қўлланишни** диққат билан ўрганишдир. Худо сизга ошкор қилинган ҳақиқатни амалда қўллашингизни хоҳлайди. Худо сизга Муқаддас Китобни фақат маълумот учун бермаган. Худо ҳаётингиз Унинг ҳақиқати билан ўзгаришини хоҳлайди.

МУҚАДДАС КИТОБНИ ШАХСАН ЎРГАНИШ Муқаддас Китобни кўриш, тушуниш ва ҳаётингизда қўлланишингизга ёрдам беради.

(Бу ҳафтада ҳар бир **ЖАМОА** аъзоси 2 Тимўтий 2:1-7 ни ўрганишда ушбу воситани қўллашдан бошласин.)

Асосий Ҳақиқат: МУҚАДДАС КИТОБДА НИМА ДЕЙИЛГАНИНИ БИЛИШ, УНИНГ МАЪНОСИНИ ТУШУНИШ, ҲАҚИҚАТИНИ БАЖАРИШ ВА БОШҚАЛАРГА ҲАМ ХУДДИ ШУНДАЙ ЎРГАТИШ УЧУН ДОИМО МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШИНИНГ КЕРАК.

[«ОЛДИНГА ҚАРАШНИ» муҳокама қилиш учун олдинги бетга қайтинг.]

**СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ – ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ
15 БЕКАТ УЧУН ВОСИТА – МУҚАДДАС КИТОБНИ ШАХСАН ЎРГАНИШ**

МУҚАДДАС КИТОБНИ ШАХСАН ЎРГАНИШ

Матн: _____

Сана: _____

КУЗАТИШ: Мен нимани КЎРЯПМАН?

Худо, Исо ва Муқаддас Рух ҳақида нималарни билиб олдим?	Ушбу оятларда ёзилган бу одамлар кимлар ? Мен ўзим ёки одамлар ҳақида нимани билиб олдим?
Матнда буйруқ ёки ваъда ҳақида ёзилганми?	Бу ерда қандай сабаб-оқибат муносабатлари мавжуд? Булар бир-бирига қандай боғлиқ?
Таърифланган воқеалар қаерда ва қачон содир бўлади? Жойни, контекстни ёки вақтни тасвирлаб беринг.	Матнда муҳим, такрорланган сўзлар ёки фикрлар борми?
Нима учун муаллиф бу ҳақида ёзган? Ўқувчилар қандай муаммоларга дуч келишди?	Бу оятлар нима ҳақида? Парчанинг асосий мавзуси ёки ғояси нима?

ЭСЛАТМА: Матнни ўрганишга қанча кўп вақт сарфласангиз, уни яхшироқ тушунасиз ва талқин қила оласиз.

ТАЛҚИН: Мен парчани ТУШУНИШИМ учун керак бўлган жавоблар.


Саволлар	Жавоблар
Қандай калит сўзлар ёки принциплар аниқлашим керак?	
Ушбу парчада мен қайси одамлар ҳақида кўпроқ маълумот олишим керак?	
Қандай таққослашни ёки қарама-қаршилиқни тушунишим керак?	
Бу ерда нутқ бурилишлари борми? Ушбу нутқ бурилишлари нимани англатади?	
Бу қандай адабиёт тури (тарихий ривоят, шеърят, қонунлар, ёзишмалар, башорат)?	
Худонинг нажот ҳикояси (Эски Аҳд, Янги Аҳд) билан ушбу парчанинг қандай боғлиқлиги бор?	
УШБУ ПАРЧАНИНГ АСОСИЙ ҲАҚИҚАТИ ЁКИ ҒОЯСИ НИМА? Уни битта жумла билан ёзинг.	

ҚЎЛЛАШ: Ушбу парча МЕНИНГ ФИКРЛАШИМ, ЁНДАШУВЛАРИМ ВА ҲАРАКАТЛАРИМНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРАДИ?

Ўқитиш	Фош қилиш	Тузатиш	Солиҳлик бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш
Бу ерда тақлид қилиш учун намуна борми? Мен нимани ўргандим? Бу ерда Худонинг қандай ҳаракат қилиши ёки мен қандай ҳаракат қилишимга оид умумий принциплар борми?	Тан олишим керак бўлган гуноҳ борми? Мен қандай ёлғонларга ишондим ёки нимани нотўғри қилдим? Нима учун? Бундай фикрлашнинг асоси нима?	Мен бажаришим керак бўлган буйруқ борми? Энди нима қилишим керак? Нотўғри фикрларимни ёки нотўғри ҳаракатларимни қандай тузатишим мумкин?	Бу ерда ваъда борми? Ҳаётимда ушбу соҳани қандай қилиб яхшилашим мумкин? Қандай қилиб янги фикрлаш ёки ҳаракат қилиш усулини шакллантираман?

Ўрганган нарсаларингиз ва **бугун** сиздан нима **қилишингизни** хоҳлаётгани ҳақида Худо билан гаплашадиган вақт келди. Унинг айтганларини ва Унинг сўзларига сиз қандай муносабатда бўлганингизни ёзинг:

«...Худонинг қули ҳар қандай яхши иш қилишга қобил бўлиб, тайёр туради».




1 Юҳанно 3:16

3 Римликлар 6:23




2 Римликлар 3:23



4 Римликлар 5:8

5 Юҳанно 14:6

6 1 Коринликлар 15:3-8



10 1 Юҳанно 5:11-12



ЁКИ

7 Эфесликлар 2:8-9

8 Юҳанно 1:12

9 2 Салоникаликлар 1:8-10

11 Римликлар 10:9-11

Исми _____

Манзили _____

Телефон рақами _____

Куни _____ Ёши _____


☐ Мен Масихни Ўз Назоткорим сифатида қабул қиламан.

☐ Мен Исо Масихга бўлган янги имонимда ўсишим учун эртага учраша оламан.

Эрта учун вақт: _____

ёки бошқа кун: _____ Вақт: _____

☐ Мен Исо Масих ҳақида кўпроқ билиш учун ўз ҳудудимдаги бошқа одамлар билан учрашишни хоҳлайман.




1 Юҳанно 3:16

3 Римликлар 6:23




2 Римликлар 3:23



4 Римликлар 5:8

5 Юҳанно 14:6

6 1 Коринликлар 15:3-8



10 1 Юҳанно 5:11-12



ЁКИ

7 Эфесликлар 2:8-9

8 Юҳанно 1:12

9 2 Салоникаликлар 1:8-10

11 Римликлар 10:9-11

Исми _____

Манзили _____

Телефон рақами _____

Куни _____ Ёши _____

☐ Мен Масихни Ўз Назоткорим сифатида қабул қиламан.

☐ Мен Исо Масихга бўлган янги имонимда ўсишим учун эртага учраша оламан.

Эрта учун вақт: _____

ёки бошқа кун: _____ Вақт: _____

☐ Мен Исо Масих ҳақида кўпроқ билиш учун ўз ҳудудимдаги бошқа одамлар билан учрашишни хоҳлайман.

Жамоа номи:

Жамоат етакчиси:

Вакт/Жамоатнинг очилиш куни:

Хушхабар айтган одам:

STRATEGIC
IMPACT
INTERNATIONAL

P.O. Box 1901 Denton, TX 76202
www.Touching EveryNation.com
© Permission to copy with attribution

МУҚАДДАС КИТОБ ОЯТЛАРИ:

- Юханно 3:16** – «Зеро, Худо оламни шунчалик севдики, Узининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.»
- Римликлар 3:23** – «Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир.»
- Римликлар 6:23** – «Гуноҳнинг эвази – Улим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масих орқали бериладиган абадий ҳаётдир.»
- Римликлар 5:8** – «Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга булган Ўз меҳр—мухаббатини намоён қилди.»
- Юханно 14:6** – «Исо унга деди: – Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.»
- 1 Коринфликлар 15:3-8** – «Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот қуйидагичадир: Муқаддас битикларга

- Исо Масих жазолайди. Ўша одамлар Раббимиз Исонинг хузури ва қудратли улуғворлигидан айрилиб, абадий ҳалокат жазосини оладилар.»
- 1 Юханно 5:11-12** – «Худонинг гувоҳлиги шундан иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг Ўғли Исодир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига эга бўлмаган одамда эса ҳаёт йўқ.»
 - Римликлар 10:9-11** – «Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб эътироф этиб, Худо Уни Улиқдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз, нажот топасиз. Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф этиб нажот топади. Муқаддас битикларда ёзилгандай: 'Унга ишонган ҳеч бир инсон уятга қолмайди'.»
- * Муқаддас Китоб оятлари Янги русча таржимадан олинган.

- мувофиқ, Масих гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи кўни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди. Аввал У Бутрусга, сўнгра ўн икки шогирдига кўринди. Ундан кейин бир вақтнинг ўзida беш юздан кўпроқ биродарларга кўринди. Уларнинг аксарияти хозирга қадар тирик, баъзилари эса дунёдан кўз юмиб кетганлар. Ундан сўнг Масих Ёқубга ва қолган барча хаворийларга кўринди. Мен ривожланмай қолган бир хомиладай бўлсам—да, ниҳоят менга ҳам кўринди.»
- Эфесликлар 2:8-9** – «Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: «Мен савоб ишларим туфайли қутулганман», деб мақтанмасин.»
 - Юханно 1:12** – «Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди.»
 - 2 Салоникаликлар 1:8-9** – «Худони рад этганларни ва Ўзи ҳақидаги Хушхабарга қулоқ солмаганларни

Жамоа номи:

Жамоат етакчиси:

Вакт/Жамоатнинг очилиш куни:

Хушхабар айтган одам:

STRATEGIC
IMPACT
INTERNATIONAL

P.O. Box 1901 Denton, TX 76202
www.Touching EveryNation.com
© Permission to copy with attribution

МУҚАДДАС КИТОБ ОЯТЛАРИ:

- Юханно 3:16** – «Зеро, Худо оламни шунчалик севдики, Узининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.»
- Римликлар 3:23** – «Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир.»
- Римликлар 6:23** – «Гуноҳнинг эвази – Улим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масих орқали бериладиган абадий ҳаётдир.»
- Римликлар 5:8** – «Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга булган Ўз меҳр—мухаббатини намоён қилди.»
- Юханно 14:6** – «Исо унга деди: – Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.»
- 1 Коринфликлар 15:3-8** – «Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот қуйидагичадир: Муқаддас битикларга

- Исо Масих жазолайди. Ўша одамлар Раббимиз Исонинг хузури ва қудратли улуғворлигидан айрилиб, абадий ҳалокат жазосини оладилар.»
- 1 Юханно 5:11-12** – «Худонинг гувоҳлиги шундан иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг Ўғли Исодир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига эга бўлмаган одамда эса ҳаёт йўқ.»
 - Римликлар 10:9-11** – «Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб эътироф этиб, Худо Уни Улиқдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз, нажот топасиз. Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф этиб нажот топади. Муқаддас битикларда ёзилгандай: 'Унга ишонган ҳеч бир инсон уятга қолмайди'.»
- * Муқаддас Китоб оятлари Янги русча таржимадан олинган.

- мувофиқ, Масих гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи кўни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди. Аввал У Бутрусга, сўнгра ўн икки шогирдига кўринди. Ундан кейин бир вақтнинг ўзida беш юздан кўпроқ биродарларга кўринди. Уларнинг аксарияти хозирга қадар тирик, баъзилари эса дунёдан кўз юмиб кетганлар. Ундан сўнг Масих Ёқубга ва қолган барча хаворийларга кўринди. Мен ривожланмай қолган бир хомиладай бўлсам—да, ниҳоят менга ҳам кўринди.»
- Эфесликлар 2:8-9** – «Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: «Мен савоб ишларим туфайли қутулганман», деб мақтанмасин.»
 - Юханно 1:12** – «Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди.»
 - 2 Салоникаликлар 1:8-9** – «Худони рад этганларни ва Ўзи ҳақидаги Хушхабарга қулоқ солмаганларни

**СТРАТЕГИК
ТАЪСИР КЎРСАТИШ
ШОГИРДЛИК
ВОСИТАСИ
V2.1**



**STRATEGIC
IMPACT
INTERNATIONAL**

P.O. Box 1901 Denton, TX 76202
www.Touching EveryNation.com
© Permission to copy with attribution

5 ҚАДАМЛАР

- МУЛОКОТ:** Уларнинг аҳволини ва охириги учрашувдан бери нималар бўлганини сўранг.
- РАЎБАТЛАНТИРИШ:** РУҲИЙ ЎСИШ УЧУН САВОЛЛАРГА жавоб бериш билан бошланг (Галатияликлар 5:22-23 асосида). **Бу ҳафтада:**
 - Сиз Муқаддас Рухга бўйсундингизми ва Исога бўлган қайноқ севгингизни сақлаб қолдингизми?
 - Сиз оилангиз, дўстларингиз, бошқа имонлилар, қўшиллар ва душманлар билан бўлган муносабатларингизда севги, тинчлик, сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечирим кўрсата олдингизми?
 - Сиз Масиҳга бўлган севги ва садоқатда ўса олдингизми? Қандай қилиб?
 - Сиз ўзингизни назорат қилиб, молиявий ишларингизда Масиҳни ҳурмат қилдингизми?
 - Жинсий фикрингизни ва ҳаракатларингизни, шунингдек, қўлликнинг ҳар қандай кўринишлари устидан ўзингизни назорат қилдингизми?
 - Нажот топмаганларга содиқлик билан гувоҳлик бердингизми ва бошқаларга устозлик қилдингизми? Айнан кимга?
 - Бу ҳафтада Муқаддас Китобни ўқиб, «МЕН БАЖАРАМАН» деган мажбуриятларингизни содиқлик билан бажардингизми?
- МУҲОКАМА:** Кейинги панелда кўрсатилган 6 савол форматидан фойдаланиб, учрашув мавзуси учун Муқаддас Китоб парчасини ўқинг ва муҳокама қилинг.
- РЕЖА:** Муқаддас Китобнинг бир қисмини ҳафта давомида ўқишга рози бўлинг (қунига 3 та боб тавсия этилади).
- ИБОДАТ:** Бир-бирингиз учун, шунингдек 5-6 чи саволлар асосида қабул қилинган мажбуриятлар учун биргаликда ибодат қилинг.

АСОСИЙ УЧРАШУВЛАР

Ҳафта 1: Исо ким?

Юҳанно 11:17-27

Ҳафта 2: Худод севгисини тушуниш

Юҳанно 3:16-18

Ҳафта 3: Ўз нажотига амин бўлиш

Юҳанно 10:27-30

Ҳафта 4: Исо билан бирга бўлиш

Юҳанно 15:1-11

6 САВОЛ

Парчани овоз чиқариб ўқинг.

Қуйидаги саволларни муҳокама қилинг:

- Сизга ушбу парчада нима ёқди, нима олдда берди?
- Нима ноаниқ ёки ноқулайлик тугдирди?

Кимдир ушбу парчани инини овоз чиқариб ўқиб берсин.

Қуйидаги саволни муҳокама қилинг:

- Ушбу парчадаги одамлар ҳақида нима билди олдингиз?
- Ушбу парчада Худод ҳақида нима билди олдингиз?

Кимдир парчани овоз чиқариб ўқиб берсин.

ҲАҲАТДА: Бир-бирингиз учун, шунингдек 5-6 чи саволлар асосида қабул қилинган мажбуриятлар учун биргаликда ибодат қилинг.

Учрашув 13: Сокин вақт: Муқаддас
Китобни ўқиш ва ўрганиш
Луқо 5:15-16

А. Янги имонга келган одам ҳар куни
Муқаддас Китобни ўқишга ва ибодат
қилишга вақт ажратсин.

Учрашув 14: Бошқаларни кечириш
Матто 18:21-35

А. Кимни кечириши кераклигини сўранг.

Учрашув 15: Масихнинг
Хукмронлигига бўйсунинг;
мустақил Худога бўйсунинг.
Римликлар 14:5-12

Учрашув 16: Худонинг Сизнинг
хаётингиз учун мақсади.
Матто 28:18-20 2
Коринфликлар 5:17-21

Учрашув 17: Хушхабар нима?
1 Коринфликлар 15:1-8

Учрашув 18: Никоҳ ва оила.
Эфесликлар 5:22-6:4

Учрашув 19: Муқаддас Рухда юриш
Галатияликлар 5:16-26

Учрашув 20: Масихдаги ўзига
хослик
Римликлар 6

Учрашув 21: Севгининг устунлиги
1 Юҳанно 1:7-21

Учрашув 22: Муқаддас Китобнинг
обрўси.
2 Тимўтий 3:14-17

Учрашув 23: Ҳаётни бошқариш.
Луқо 19:10-27

Учрашув 24: Рухий жанг
Эфесликлар 6:10-18

Учрашув 10: Сувда чўмдирлиш.
Хаворийлар 8:26-38
Матто 28:19
Хаворийлар 2:40-41

А. Янги имонлигига сувга чўмишини
таклиф қилинг.

Б. Янги имонли оиласи ва
дўстларини, айниқса Масихни
билмагандарни, унинг сувга
чўмишига гувоҳ бўлишга
таклиф қилинг.

Учрашув 11: Кутлуғ кеча.
Рабаўнинг кутлуғ кечи.
Луқо 22:14-20

А. Янги имонлигига маросимни ҳамма
билган бирга баҳам кўришини
таклиф қилинг.

Учрашув 12: Итоаткорлик
Юҳанно 14:15-21

А. Улардан ҳаётининг қайси
соҳасида Раббий уларни итоаткор
бўлишга ундаётганини хис
қилишларини сўранг.

Учрашув 8: Хушхабар: бошқаларга
Исо ҳақида айтиб беринг
Хаворийлар 1:1-11
2 Коринфликлар 5:16-21

А. Уларга *Стратегик Таъсир*
Курашув Бўйича Хушхабар
Воситасидан қандай
фойдаланишини ўргатинг.

Б. Ушбу воситадан фойдаланган
ҳолда Исо ҳақида қиматли айтиб
беринг ушун у билган бирга беринг.

Б. ЭСЛАТМА: *Агар улар қимматли*
Масҳуга олиб келинса, янги
имонга келганларни ўргатишни
ботлашлари учун, уларга
Шоҳроҳлик Воситасидан
фойдаланишни ўргатишга ёрдам
беринг.

Учрашув 9: Жамоатдаги бошқа
имонлилар билан муносабат
Хаворийлар 2:40-47
Ибронийлар 10:19-25

А. Янги имонга келган одамни янги
жамоатга тақлиф қилинг.

Б. Янги имонга келган одамга янги
жамоатнинг аъзоси бўлишга
ёрдам беринг.

Учрашув 5: Ибодат
Матто 6:5-15

Учрашув 6: Гуноҳларни тан олиш
1 Юҳанно 1:5-2:2

Учрашув 7: Сизнинг гувоҳлигингиз:
Исо сизни қандай ўзгартирганини
бошқаларга айтинг.

Хаворийлар 26

А. Ўз гувоҳликлари ҳақида
уйланишга ёрдам беринг ушун 3
пунктни режадан фойдаланинг.

1. *Исога ишонтишдан олдин*
ҳаётим қандай эди?

2. *Мен Исо билан қандай*
танашдим

3. *Унга ишонганимдан кейин*
Исо меннинг ҳаётимни қандай
ўзгартирди.

Б. Иштирокчилар бир дақиқалик
гувоҳликлариини қиматли айтиб
берсин.

ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ БИРИНЧИ БОСҚИЧ – ҚИСҚА МУНДАРИЖА

ТАБРИКЛАЙМИЗ! Сиз *ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧНИ* якунладингиз. Ушбу босқичда Исо ва **ЖАМОАНИНГ** бошқа аъзолари билан бўлган муносабатингизда ўсдингиз. Сиз янги имонлилар билан биргаликда хушxabар айтдингиз ва таълим бердингиз. Ушбу босқичда, **ҳар бирингизда сиз ва яна камида икки кишидан иборат гуруҳингиз бўлиши керак.** Улар билан биргаликда *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШОГИРДЛИК ВОСИТАСИ* контекстида «учрашувлар» ўтказасиз.

Сиз ўқитаётган одамларнинг исмлари *ХИЗМАТ ҲАРИТАСИГА* киритилиши керак (5-бет). Уларнинг ҳам кўпаядиган шогирдлари бўлиши учун, уларга таълим беришда ва устозлик қилишда давом этасиз. Сизнинг мақсадингиз 4 чи авлодгача шогирд тарбиялайдиган шогирдлар тарбиялашдир. Уларнинг ҳар бирига, улар иш бошлашга ёрдам берадиган *ХИЗМАТ ҲАРИТАСИ* берилиши керак. Сизнинг *ХИЗМАТ ҲАРИТАНГИЗ* 4-авлодга етганда, шогирдларингизни рағбатлантиришда ва уларга маслаҳат беришда давом этинг... ва янги *ХИЗМАТ ҲАРИТАСИНИ* бошланг!

Исо берган Буюк топшириғида шундай деган: «*Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар.*» (Матто 28:19). Бу **ҳар бир** Масихий учун чакирув ва буйруқдир. *СТРАТЕГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШДА Масихнинг Буюк топшириғини бажаришимиз учун 4-авлодгача борадиган етук ва кўпаядиган шогирдларни доимий равишда тарбиялаш кераклигига* ишонамиз.

ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ чакириғи сиз Раббимиз билан бирга бўлиш учун самодаги уйингизга бормагунингизча, ёки У қайтиб келмагунча тўхтамайди. Етук ва кўпаядиган шогирдлар тарбиялашни давом эттириш орқали уларнинг ҳаётига ВА... улар кўпайтирадиган руҳий авлодларнинг ҳаётига абадий таъсир кўрсатасиз! Бу ҳаётда шогирдларни кўпайтиришдан муҳимроқ нарса йўқ.

САЁҲАТНИНГ ушбу босқичида сиз қарор қабул қилишингиз керак. Сиз Раббий ҳаётингиз давомида шогирд орттиришдан бошқа ҳеч нарса қилмасликка чакираётганини ҳис қилишингиз мумкин. Агар шундай бўлса, тўхтамасликни тавсия қиламиз! **Сиз ва сиз ўргатаётган одамлар шогирдлари янги жамоатларга олиб келишлари орқали ЖАМОА ишида иштирок этишингиз жуда муҳимдир.** Шунингдек, бошқаларни *САЁҲАТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ* бўйича бошқаришда давом этишингиз ҳам муҳимдир.

Аммо, эҳтимол, Раббий сизни *САЁҲАТНИНГ кейинги босқичига* – шогирдлар сонини янада кўпайтириш, **жамоат яратиш ва бошқаришда иштирок этишга** чакираётгандир. Агар Раббий сизни шундай қилишга чакирса, биз сизни *ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧНИ* бошлашга таклиф қиламиз *ИККИНЧИ БОСҚИЧДА* ҳафталик «*БЕКАТЛАР*» учун жамоа билан учрашишда давом этасиз, шунингдек, янги *ЖАМОА* ва унинг раҳбариятини яратиш учун биргаликда ҳаракат қиласиз. Сизнинг мақсадингиз нафақат кўпаядиган шогирдларни тарбиялаш, балки кўпаядиган *ЖАМОАТларни* бошқариш ва яратишдир.

Эгамиз сизни каерга йўналтирса ҳам, *ҚУТҚАРИЛМАГАНЛАР НАЖОТ ТОПИШИ УЧУН БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТДА* давом этар экансиз, Раббимиз сизни марҳаматласин!

The Strategic Impact Team



P.O. BOX 1901, DENTON, TX 76202

WWW.STRATEGICIMPACTINTERNATIONAL.COM

© Муаллифлик Ҳуқуқи, Strategic Impact. Ушбу қўлланмага ўзгартириш киритиш тақиқланади, лекин сиз уни мазмунига ўзгартириш киритмасдан эркин нусхалашингиз ва тарқатишингиз мумкин.